

**Ўзбекистон Республикаси
Олий ва Урта Махсус Таълим Вазирлиги**

Андижон Мухандислик - Иктисодиёт Институтини

“Мухандислик” факультети

**“Транспорт воситаларидан фойдаланиш”
кафедраси**

Н.Каримходжаев, Б.Каюмов

**“Автосервис асослари ва транспорт воситаларига фирма
хизматини ташкил этиш”
фанидан
маъруза матнлари.**

**Кайта куриб чиқилган маъруза матни
“ТВФ” кафедраси йиғилишида
муҳокама қилинган ва фойдаланишга
тавсия этилган.**

**Йиғилиш баёни №____
“ ____ ” _____ 2004 й.**

**Каф.мудирини _____
т.ф.н., доц. Т.А.Алматаев.**

Андижон - 2004

Ушбу маърузалар матни 5 521200 "Транспорт воситаларини ишлатиш таъмирлаш" йуналиши буйича бакалавр тайёрлаш намунавий ва ишчи дастурлар асосида тузилган .

Маърузалар хажми - 32 соат.

Муаллифлар: доц. Н.Каримходжаев, ката уқитувчи Б.Каюмов

Такризчилар: Тошкент автомобиль-йуллар институти доцентлари т.ф.н., доцентлари Ё.П.Назаркулов ва К.Иброхимов

Кайта куриб чиқилган ва тулдирилган маърузалар матни Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти "Транспорт воситаларидан фойдаланиш" кафедрасининг йигилишида тасдиқланган («__»____2004 йил, баённома № __)

Кайта куриб чиқилган ва тулдирилган маърузалар матни Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти уқув-услугий кенгашида муҳокама қилинган ва чоп этишга рухсат этилган ("__"____2004 йил, баённома № __)

МУНДАРИЖА

1. МАВЗУ: ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИГА (ТВ) АВТОСЕРВИС ВА ФИРМА ХИЗМАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ИШЛАРИНИНГ МАКСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ.	4
2. МАВЗУ: АВТОСЕРВИС ВА ФИРМА ХИЗМАТ ТУРЛАРИ	14
3. МАВЗУ: АВТОСЕРВИС ХИЗМАТИ КУРСАТУВЧИ КОРХОНА ВА ФИРМАЛАР...	21
4. МАВЗУ: АВТОСЕРВИС ХИЗМАТИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ИШЛАБ ЧИКАРИШ ТЕХНИК БАЗАСИ.....	26
5. МАВЗУ: АВТОМОБИЛЛАРГА СОТУВ-ОЛДИ ХИЗМАТИ ТАШКИЛ ЭТИШ АСОСЛАРИ.....	33
6. МАВЗУ: АВТОМОБИЛЛАРГА КАФОЛАТЛИ ХИЗМАТ КУРСАТИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ АСОСЛАРИ.....	40
7. МАВЗУ: АВТОСЕРВИС ХИЗМАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ. АВТОСЕРВИСЛАРДА ТХ ВА РЕМОНТ ИШЛАРИНИНГ ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.....	46
8. МАВЗУ: АВТОМОБИЛЛАРНИ РЕМОНТ КИЛИШ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.....	52
9. МАВЗУ: АТХКС ДА АВТОМОБИЛЛАР ДИАГНОСТИКАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ АСОСЛАРИ.....	58
10. МАВЗУ: ЧЕТ ЭЛ АВТОСЕРВИСЛАРИ.....	66
11. МАВЗУ: ЧЕТ ЭЛ АВТОСЕРВИСЛАРИ (ДАВОМИ).....	71
12. МАВЗУ: АВТОСЕРВИС КОРХОНАЛАРИНИ ЭХТИЁТ КИСМЛАР ВА МАТЕРИАЛЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ.	75
13. МАВЗУ: ЭХТИЁТ КИСМЛАРГА БУЛГАН ЭХТИЁЖ ХАЖМИНИ АНИКЛАШ.....	81
14. МАВЗУ: АВТОСЕРВИСЛАРДА ИШЛАБ ЧИКАРИШНИ БОШКАРИШ АСОСЛАРИ.....	86
15. МАВЗУ: АВТОСЕРВИС КОРХОНАЛАРИДА МЕХНАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ АСОСЛАРИ.....	94

ОШИБКА! ЗАКЛАДКА НЕ ОПРЕДЕЛЕНА.

1. Мавзу: Транспорт воситаларига (ТВ) автосервис ва фирма хизматини ташкил этиш ишларининг мақсад ва вазифалари.

Режа:

- 1. Ўзбекистон Республикасида аҳолининг енгил автомобиль билан таъминланганлик даражаси.**
- 2. Аҳоли енгил автомобиллари эксплуатациясининг узига хос хусусиятлари**
- 3. Автосервис ва фирма хизматини ташкил этишнинг мақсад ва вазифалари.**

Ўзбекистон Республикаси мураккаб ривожланиш йулини кулга кiritиб, уни мураккаблаш этапларини босқичма-босқич босиб ўтмоқда.

Бу масала Ўзбекистон халқининг устивор вазифаларидан бири бўлиб, Республикамизда иқтисодийётининг изчил ўсиши ва самарадорлигини ошириш, демократик бозор ислохотларини чуқурлаштириш асосида халқ турмуш даражасини барқарор ва ўзлуksиз яхшилаб боришини таъминлаш тадбирлари амалга оширилмоқда. Бу борада Республикамизда бир қатор долзарб ишлар жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

Бу ишлардан бири аҳолини иқтисодий ва маънавий ҳолатини юқори даражаларга олиб чиқишдир. Шу мақсадда Республикамиз аҳолисини автомобиль транспорти билан таъминлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Автомобиль транспорти жамият ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлиши билан бир қаторда, аҳолининг ҳар бир амалини моддий, маънавий жиҳатдан мураккаб бўлишига имкон яратади.

Аҳолининг шахсий автомобилга эга бўлиши, унга турли шароитларда автомобилдан ўзи хоҳлаган қуринишда фойдаланиш имкониятини яратади, яъни пассажир ташиш, турли қуринишдаги юқларни исталган ерга олиб бориш, тижорат, тадбиркорлик ишларини бажариш, маданий, маиший дам

олишларга чиқиш, хизмат сафарларга, автосаёхатларга бориш, автомобиль спорти билан шугулланиш каби тадбирларни амалга оширишдир.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сунг киска давр утишига карамай Республика аҳолисини автомобиль транспорти билан таъминлаш жадал суръатлар билан амалга оширилмокда. Шу максадда Республикамизда бир катор автомобиль компаниялари барпо килиниб, уларнинг ишга туширилиши Ўзбекистон халкининг муҳим ютуқларидан биридир. Андижоннинг Асака шаҳрида "ЎзДЭУ авто Со" компанияси; Самаркандда "Сам КОЧ авто" автомобиль заводларида енгил, юк автомобиллари автобусларнинг ишлаб чиқарила бошлаши Ўзбекистон аҳолисининг транспорт мустақиллигига эришишига олиб келибгина колмай, Республикамизни автомобиль ишлаб чиқарувчи етакчи давлатлар билан бир каторда туришига имкон яратади. Аҳолининг енгил автомобилларга булган талабини кондириниш ва экспорт килиш максадидида "ЎзДЭУавто Со" кушма корхонасида "Нексия", "Дамас" ва "Тико" русумли замонавий енгил автомобиллар ишлаб чиқарилмокда. Бу автомобиллар билан аҳолини таъминланиши жадал суръатлар билан амалга оширилмокда. Агар Ўзбекистон аҳолисини 1990 йилларда автомобиль билан таъминланганлик даражаси хар 1000 кишига 40та автомобиль тугри келган булса, "ЎзДЭУ авто Со" заводи курилиши, аҳолининг моддий имконияти яхшиланиши, чет давлатлардан келтирилган автомобиллар сонини ортиши билан, маълумотларга кура 1999 йил хисобидан бу курсаткич 70-75 автомобилга тугри келди. Якин келажакда аҳолини автомобиль билан таъминланганлик даражаси Республикамизда автомобиль ишлаб чиқариш саноатининг ривожланиши курсаткичлари билан белгиланиб, аҳолиси автомобиль билан юкори даражада таъминланган етакчи давлатлар микёсига кутарилиш истикболи яратилмокда.

Албатта, бундай холат, бир томондан аҳолининг моддий, маданий бойлигини оширади, унинг транспорт воситаси хизматига булган талабини кондириб, турмуш фаолиятида бир катор кулайликлар яратса, иккинчи

томондан енгил автомобилларга техник хизмат курсатиш, ремонт килиш, ёкилги-мой махсулотлари, эхтиёт кисмлари билан таъминлаш каби булган ишларга эхтиёж ортади, атроф-мухитни автомобиль ишлаб чикарган захарли газ ва йулдан кутарилган чанг заррачалари билан ифлослантириш, йул-транспорти ходисаларининг ортиб бориши, йул тармокларини яхшилаш ва кенгайтириш каби муаммоларнинг пайдо булишига олиб келмокда.

Ривожланган чет давлатларда ахолининг автомобиль билан таъминланганлик даражаси юкори курсаткичларга эга. 2000 йилга келиб бутун дунё микёсида ахолини автомобиль билан таъминлаганлик даражаси хар бир 1000 кишига урта хисобда 60 та енгил автомобилга тугри келиб, у бир катор ривожланган давлатларда куйидаги курсаткичларга эга: Франция, Олмония, Швеция, Буюк Британия, Австралия, Канада ва ривожланган давлатлардашкарларда хар 1000 кишига 350-450 автомобилга тугри келса, Америка Кушма Штатлари, Японияда бу курсаткич 600-700 автомобилга тугри келиб колмокда. Ахолининг бундай ута автомобиллашиб кетиши бир катор муаммолар пайдо булишига сабаб булмокда. Бундай муаммолар ута йирик ривожланган шахарларда яккол намоён булмокда, яъни атроф-мухитнинг автомобиль ишлаб чикарган захарли газ, ёкилги-мой махсулотларининг бугланишидан чиккан парлар билан ифлосланиши, транспорт воситалари харакати натижасида чиккан шовкин даражасининг ортиши, йул-харакат ходисаларнинг ортиб бориши, уртача харакат тезлигининг пасайиши, шахар ичидаги серкатнов йулларда автомобиль харакатининг "Пробка" булиш хисобига соатлаб тухтаб колиши, автомобиль тухташ жойларининг етишмай колиш холлари пайдо булмокда.

Ушбу давлатларда ахолининг автомобиль билан таъминланганлик даражаси юкори булишнинг иктисодий ва ижтимоий сабаблари мавжуд булиб, улар ахоли моддий холатининг юкорилиги, шахсий енгил автомобилнинг жамоат транспортдан кулайлик томонлари борлиги, енгил автомобилларнинг замонавий ва сифатли булиши билан узвий богликдир.

Автомобилнинг сифати харидорларнинг унга булган талаби, унинг таннари ва автомобиль ишлаб чиқарувчи заводлар орасидаги рақобатга боғлиқ. Ички ва ташқи бозорларда, рақобат қанчалик қучли бўлса, ишлаб чиқарилаётган автомобиль сифати ҳам шунчалик юқори бўлади ва унга бозордаги талаб ортиб боради.

Ўзбекистон Республикаси шароитида ишлаб чиқарилаётган "ЎзДЭУавто Со" ва "Сам ҚОЧ авто" қўшма қорхоналарининг автомобиллари ҳам сифат жиҳатдан бир қатор жаҳон стандарти талабларига жавоб беради. Ушбу маҳсулотларнинг сифати узлуксиз ортиб бориши учун Республиканинг ички бозорларида ва ташқи жаҳон бозорларида ҳам рақобат мавжуд бўлиши зарурий шартлардан биридир. Лекин Республиканинг ҳозирги ривожланиш босқичлари ўтаётган жараёнда ички бозорларда автомобилнинг сифатини белгиловчи рақобат мавжуд эмас, чунки аҳолининг енгил автомобилларга булган эҳтиёж талаби ишлаб чиқарувчи заводлар тақлифига нисбатан анча юқори. Аммо, автомобилнинг сифат қўрсаткичларини яхшилаш асосан ташқи бозор рақобати билан белгиланади. Аҳолининг автомобилга булган эҳтиёжи юқори булган ҳолларда ташқи бозорда сотилмай қолган автомобиллар ички бозорда сотилиб қетиши мумкин. Демак, ички бозорда сотилган автомобилларнинг ҳаммаси ҳам сифат қўрсаткичлари бўйича жаҳон стандарти талабларига тула жавоб бермайди. Шунинг учун ҳам шахсий автомобиллар сифат қўрсаткичларининг эксплуатация шароитидаги ўзгариш даражаси қўп ҳолларда автомобиль эгасининг ўзига боғлиқ бўлади.

Шахсий автомобилга эга булган ҳар бир киши ундан самарали ва ўзққ муддат фойдаланиши учун, автомобилни, транспорт воситасини доимо техник соғ ҳолатда ўшлаши зарур. Ушбу шартни бажариш учун автомобиль эгаси ўз вақтида автомобилга техник хизмат ва ремонт ишларини мунтазам равишда, белгиланган тартиб билан бажариб бориши қерак. Бу ишларни бажаришнинг ўзига ҳос томонлари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардир:

Аҳолига тегишли енгил автомобилларга ТХК ва жорий ремонт ишларини утказиш, корхона ва ташкилотларга карашли автомобилларга ТХК ва жорий ремонт ишлари бажаришдан фарк килади. Корхона ёки ташкилотларда бу ишлар режа асосида, малакали мутахассислар томонидан уз вақтида бажарилса, аҳолига карашли автомобилларга ТХК ва ремонт ишларини бажариш эса автомобил эгасининг моддий ахволи, хохиш-истаги асосида бажарилиб, мунтазам амалга оширилмаслиги мумкин. Бу ишларни автомобил эгасининг узи бажариши учун эса малакаси етишмаслиги ёки фурсати булмаслиги мумкин. Куп ҳолатларда шахсий автомобил хайдовчиси фақат автомобилни бошқариш, унга кундалик хизмат курсатишгагина лаёқатли булиб, ТХК ва ремонт қилиш ишларини бажара олмайди, ёки бу ишларни бажаришни билса ҳам талаб даражасидаги ишлаб чиқариш техник базасига эга булмаслиги мумкин.

Давлат корхоналари автомобилларнинг хайдовчилари эса, шахсий автомобил эгаларига нисбатан малакаси юқори, автомобилни эксплуатация қилишнинг хусусий томонларини яхши биладиган мутахассис ҳисобланади.

Хайдовчининг автомобилни тугри эксплуатация қилиш ва уни ишончлилиқ курсаткичларининг узғариб боришига таъсири сезиларли даражада булади. Булар автомобилнинг иш режимини тугри бошқариш, яқинлашиб келаётган бузукликларнинг пайдо бўлишини сезиш ва олдини олиш, автомобилнинг техник соз ҳолатини доимо таъминлаб бориш каби тадбирларда намоён булади. Бундай тадбирларни амалга ошириш эса хайдовчининг касбий малакаси билан белгиланади.

Малакали ремонт ишчилари томонидан бажарилган агрегатларни созлаш ва ремонт ишларининг сифати ҳам, шахсий автомобил хайдовчисига нисбатан анча юқори булади.

Олинган маълумотларга кура, хайдовчи ва ишчиларининг автомобиль эксплуатацияси даврида уни мунтазам техник соз ҳолатда ушлаб туриш, техник хизмат курсатиш (ТХК) ва ремонт учун кетган харажатларга

курсатадиган таъсир микдори куйидагича тақсимланади: хайдовчи учун 33-36%, ремонт ишчиларига- 64- 67%.

Юк ёки пассажир ташиш ишларини ҳам шахсий автомобил эгаси ўз хохиши ва манфаати асосида амалга оширса, давлат автомобиллари орқали бўжарён АТК томонидан ташкил этилади ва бажарилади.

Шундай қилиб шахсий автомобилларни эксплуатация қилишнинг давлат корхоналари автомобилларидан фарқи қуйидаги асосий омиллар билан белгиланади: енгил автомобилларнинг мамлакат бўйлаб нотекис тақсимланиши, босиб утилган уртача йиллик масофанинг қамлиги автомобилларнинг юқори хизмат муддати даврига эга бўлиши, ТХК ишларини мунтазам бажармаслик, техник хизмат қурсатиш станцияларига (АТХКС) автомобилларнинг бир меъёрга қирмаслиги, қўп ҳолатларда ТХК ва ремонт ишларининг автомобил эгаси томонидан бажарилиши ва иш сифатининг назоратсизлиги ва бошқалардир.

Республикада бозор иқтисодиётига ўтиш бўжарёни амалга ошириляётган ҳозирги пайтда шахсий автомобил билан давлат корхоналари автомобиллар эксплуатацияси орасида мавжуд бўлган юқоридаги хусусий фарқлар қамайиб бормокда. Буларнинг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат: давлат корхоналари ихтиёридаги АТК ларнинг транспорт харажатлари ўта ортиб кетиши, эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш мураккаблашганлиги, автомобил паркиннинг янги автомобиллар билан таъминланмаслиги туфайли эскириб бўриши ва шу қабил бир қатор ташкилий ва техник- иқтисодий сабабларнинг пайдо бўлишидир. Шу туфайли қўп автокорхоналарга қаршли автомобиллар эскириши туфайли рўйхатдан ўчирилмокда, бир қатор яроқли автомобиллар ижарага топширилиб хайдовчининг ихтиёрига берилмокда. Бўнинг оқибатида автомобил эксплуатацияси билан боғлиқ бўлган барча ТХК ва ремонт харажатлари, ёнгилги- мой махсулотлари билан таъминлаш, юк ва пассажир ташаш ишларини ташкил этиш қабил бўжарёнларни бажариш хайдовчининг масъулиятига

топширилмокда. Натижада шахсий автомобиль билан давлат автомобиллари эксплуатацияси орасидаги фарк йуколиб, бормокда.

Иктисодий ҳолатини яхшилаш мақсадида шахсий автомобилга эга булган шахслар ҳам автомобилдан интенсив фойдаланмокдалар. Бунинг оқибатида енгил автомобилларнинг уртача йиллик босиб утган масофаларнинг кескин ортиб бориши, ТХК ва ремонт ишларини бажариш даврларининг кискариши, ёкилги- мой махсулотлари, эхтиёт қисмларга булган талабларнинг ортиб боришига олиб келмокда.

Бундай ҳолатларнинг юзага келиши автосервис хизматиға булган талабнинг ортишиға ва бу хизматни кенгайтириш, лойихалаш-қуриш ишларини жадаллаштиришни такозо килади.

Автомобилларнинг сифат қурсатқичлари эксплуатация давомида узгариб, сон қурсатқичлар билан ифодаланади. Сон қурсатқичлари автомобилнинг ишончилиқ даражаси орқали белгиланиб, улар автомобилни хар доим техник соз холда ушлаб туриш учун кетган харажатларда намоён булади. Эксплуатация шароитида бундай харажатларни камайитириш энг аввало, автомобил хайдовчисининг малакаси ва моддий имкониятлари билан белгиланади. Аммо асосий ҳолатларда енгил хусусий транспорт воситаларига эга булган шахсларнинг автомобиль тузилиш ва унинг эксплуатацион хусусиятлари тугрисидаги тула маълумотларға эга булмаслиги туфайли хайдовчилик малакаси ҳам талаб даражасида була олмайди. Ундан ташқари автомобилни техник соз холатда ушлаб туриш учун автомобил эгасининг вақти хар доим ҳам етишмаслиги мумкин.

Транспорт воситаларини тоза ва хар доим техник соз холда ушлаб туриш учун унга бир қатор автосервис хизмати қурсатиш зарур булади, яъни автомобилларни ювиш-тозалаш, ёкилги-мой махсулотлари билан таъминлаш, ТХК ва ремонт ишларини бажариш ҳамда саклашдир. Бу ишларни тартибли ва бир тизимда амалға ошириш мақсадида махсус автосервис қорхоналари ташкил этилган булиб, хусусий автомобилға эга булган шахслар ушбу

корхоналарга мурожаат этадилар. Техник хизмат ва жорий ремонт ишларини бажариш учун автомобиль эгаси маълум микдорда моддий сарф килади. Ушбу харажатлар автомобиль эксплуатацияси давридаги умумий харажатлар ичида асосий кисмини ташкил этиб унинг 87% ни ташкил этади, колган 13 % эса янги автомобил ишлаб чиқариш учун кетган сарфга тугри келади. Мехнат сарфини олиб карасак, янги автомобил ишлаб чиқариш учун 1,5... 3,5 % мехнат сарфланса, автомобилнинг хизмат даврида ТХК ва жорий ремонт ишлари учун кетган мехнат сарфи 96,5... 98,5 % ташкил этади.

Ушбу харажатларни камайитиришнинг бир катор йуллари мавжуд булиб, уларнинг асосийлари: Автомобиль сифати ва ишончлилиқ даражасини ошириш, ТХК ва ремонт ишлари сифати ва самарасини ортириш, автомобиль эгасининг малакасини кутариш, ёкилги-мой материаллари сифатини яхшилаш каби тадбирлардир. Эксплуатацион харажатларни камайитириш тадбирларини амалга оширишда автосервис корхоналари ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Автосервис хизмати деганда транспорт воситасини техник соз ва тоза холда ушлаб туриш учун эксплуатация давомида автомобилга курсатиладиган ташкилий, техник- иктисодий хизматлар мажмуи тушунилади. Бу хизматларнинг асосий кисми автосервис корхоналари томонидан махсус хизмат сифатида бажарилса, бир кисми автомобиль эгаси томонидан уз-узига хизмат курсатиш сифатида бажарилади. Ҳозирги даврга келиб транспорт воситаларига курсатиладиган автосервис хизмати 100 хил турга эга.

Республикада иктисодий муносабатларнинг тубдан узгариши халқ хужалигада турли хизмат жавҳалари ривожланишининг аста-секинлик билан хусусий мулкчилиқ асосига утказилиши сабабли автосервис корхоналари фаолиятини бошқариш, ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш, ишлари ҳам турли хил қуринишларга утказилмокда. Шундай хизмат курсатиш усулларида бири автомобилларга фирма усулида хизмат курсатишдир.

Фирма усулида хизмат курсатиш деганда, ишлаб чиқарилган махсулотга унинг ишлатилиши давомида курсатиладиган барча турдаги хизмат ва ремонт

ишларини шу махсулотни ишлаб чиқарган корхона томонидан ташкил этилган сервис тармоклари орқали амалга оширилиши тушунилади. Шунинг билан бир каторда махсулотга техник хизмат турлари ишлаб чиқарувчи ташкилотга ташкилий ва иқтисодий жиҳатдан боғлиқ бўлмаган эркин сервис ташкилотлари орқали ҳам амалга оширилиши мумкин. Автомобилларга фирма усулида техник хизмат курсатиш ишлари ҳам шундай тартиб орқали амалга оширилади.

Шундай қилиб, автомобилларга автосервис хизмати курсатувчи ташкилотларнинг олдида қўйилган мақсад ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Аҳолининг автотранспорт воситаларига техник хизмат курсатиш ва ремонт ишларига бўлган талабини тез ва сифатли қондириш ҳамда миқдорларни қамқов этиш;
2. Автосервис хизмати курсатувчи корхоналар самарадорлигини мунтазам ошириб бориш.
3. Хусусий автомобил эгасининг ҳайдовчилик малакасини ошириш ишларини ташкил этиш.
4. Автомобил, эҳтиёт қисмлар ва ёқилғи-қўйилма материаллари билан савдо қилиш самарасини ошириш учун мунтазам равишда реклама ишларини олиб бориш.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг автотранспорт воситалари ишлаб чиқариш соҳасида эришган ютуқлари ва унинг истикболлари қандай ?
2. Республикада аҳолининг енгил автомобил билан таъминланганлик даражаси ҳақида тушунтириш.
3. Аҳолига қарашли автомобиллар эксплуатациясининг узига хос томонларни тушунтириш.
4. Автосервис хизмати деганда нима тушунилади.

5. Фирма усулида автосервис хизмати ташкил этиш деганда нима тушунасиз ?
6. Автосервис хизмати мақсад ва вазифалари нималардан иборат ?
7. Аҳолига тегишли енгил автомобилларга қандай тарзда ТХК ва ремонт ишлари қандай тарзда утказилади?
8. Автомобилларга бўлган талабни ошириш учун қандай ишлар олиб бориш зарур?
9. Эксплуатацион харажатлар нима ва уларни камайтириш йуллари?
10. Корхона ва аҳолига қарашли автомобиллар уртасидаги фарқ?

Фойдаланиш учун адабиётлар.

Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: Ўзбекистон, 1998, 685 б.

Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI аср бусагасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт қафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997, 328 б.

Напольский М. Технологическое проектирование автотранспортных предприятий и станций технического обслуживания. М.: Транспорт, 1985 г.

Ханс Виссела. Менеджмент в подразделениях фирмы. М.: Инфра-М, 1996 г.

Фастовцев Г.Ф. Организация технического обслуживания и ремонта легковых автомобилей. М.: Транспорт, 1989, 239 с.

Крамаренко Г.В, Бараликов И.В. Технологическое обслуживания автомобилей М. Транспорт, 1982 - 368 с.

Назаркулов Я.П., Жураев Н.И. Чорнев М.Х. Автосервис ишлаб чиқариш техник базаси курси бўйича курс ва диплом иши лойиҳалари бажари учун услубий қўлланма. Тошкент, 1996 - 53 б.

Хлявич А.И. Обслуживание автомобилей населения. М.: Транспорт, 1990 - 238с.

Афанасьев.Л.А и др. Гаражи и станции технического обслуживания автомобилей. М.: Транспорт 1982-238с.

Кузнецов Е.С., Курников И.П, Производственная база автомобильного транспорта. М., Транспорт. 1988г.

Развитие автосервиса М.1990 (ежегодная обзорная информация)

Руководство по организации работ на СТО УзДЕУ - авто КО.Андижан, УзДЕУавто 1999 - 128с.

Крамаренко Г.В ва бошкалар. автомобиллар техник эксплуатацияси Тошкент, Укитувчи, 1994-220б

Узбекистон Республикаси автомобиль транспорти харакат таркибига техник хизмат курсатиш ва таъмирлаш тугрисида Низом. Тошкент, 1999-196б.

www.automobilemag.com

www.auto.com

www.motortrend.com

www.autobild.de

www.automechanic.ru

www.autonews.ru

www.motor.ru

www.zr.ru

2. Мавзу: Автосервис ва фирма хизмат турлари

Режа :

- 1. Автосервисларнинг бажарадиган ишлари ва кувватига қараб бўлиниши.**
- 2. Фирма усулида автосервис хизмати курсатишнинг асосий шартлари.**
- 3. Диллерлар ёрдамида автосервис хизмати ташки этиш.**

Замонавий автосервислар қўп тармоқли техник хизмат ишларини бажарувчи корхоналар бўлиб, қуввати ва олдига қўйилган мақсад ҳамда вазифаларига асосан қўйидаги асосий йўналишлардаги хизматларни бажарадилар:

- автомобилларга ТХ ва ремонт ишларини кафолатли давр ичида ва ундан кейин ҳам утказиш;

- автомобил узел ва агрегатларни диагнозлаш;

- ахоли автомобилларини давлат техник куригидан утказиш учун тайёрлаш;

- автомобил кузовларини коррозияланишга карши кайта ишлаш;

- автомобил агрегатларини капитал ремонт килиш;

- автомобилларни сотиш, уларга сотув олди хизмати курсатиш;

- автомобилларга белгиланган муддатда кафолатли хизмат курсатиш;

- автомобилларга эксплуатацион материал ва эхтиёт кисмлар сотиш;

- бузилган автомобилларга йуларда техник ёрдам курсатиш;

- автомобилларни тугри техник эксплуатация килиш масалалари буйича маслахатлар ташкил этиш;

- автомобиллар сотиш самарасини ошириш йуларини топиш ва шу максадда реклама килиш;

- автомобилларни ювиш, тозалаш ва уларга ёкилги куйиш;

- мотор мойларини алмаштириш ва мотор мойлари куйиш;

- автомобиль конструкцияларига рухсат этилган тартибда узгартиришлар киритиш;

- автомобилларни саклаш, уларни бир жойдан иккинчи жойга хайдаб олиб бориш ва бошкалар.

Ушбу куринишдаги хизматлар сони 100 хилга якин булиб, уларнинг асосий кismi якка тартибда хизмат автосервис хизмати курсатиш жабхалари оркали амалга оширилади. Автосервис корхоналари бажарадиган иш тартиби ва вазифасига караб, шартли равишда 3 турга булиниш мумкин. (1 расм)

- автомобилларни техник соз холда ушлаб туришни таъминловчи сервислар;

- автомобиллар эксплуатациясини таъминловчи сервислар;


- автомобиллар сотиш .

Биринчи турдаги автосервислар автомобилларга асосан ТХ курсатиш ва ремонт ишларини бажарса, иккинчи турдаги автосервислар автомобилларга эксплуатация даврида зарур булган турли хизматларни курсатадилар, яъни уларни турли эксплуатация материаллари ва хизматлари билан таъминлайдилар.

Автосервис корхоналари турли мулкчилик шаклларига эга булиб, уларнинг асосий кисми хусусий мулкчилик курунишда фаолият олиб бормокдалар.

Автосервислар бир сутка давомида хизмат курсатган автомобиллари сони буйича ёки бир йил давомида ТХК ва ремонт курсатиладиган автомобиллар сони буйича турларга булиниши мумкин.

Автомобиллар эксплуатациясини таъминловчи автосервисларнинг куввати сутка давомида хизмат курсатган автомобиллар сони билан белгиланиб, уларга асосан АЁКШ, ювиш-тозалаш, диагнозлаш каби автосервислар киради.



1-расм. Автосервис хизмати турлари схемаси.

Автомобилларни техник созлаш холда ушлаб туриш ва автомобиллар сотиш автосервислари куввати йил давомида хизмат курсатган ёки сотилган автомобиллар сони билан белгиланади. Автосервис корхоналарининг куввати уларда мавжуд булган ишлаб чиқариш постлари сони билан ҳам белгиланади. Автосервислар халқаро меъёрлар классификациясига кура куввати бўйича қуйидаги турларга бўлинади:

- ута кичик- постлар сони 5 тагача,
- кичик- 10 тагача;
- урта- 25 тагача;
- катта- 50 тагача;
- йирик- 50 тадан юқори.

Фирма шундай ташкилотки, у корхоналарни бошқаради ва уларда хужалик ишларини юритади. Фирмалар бир ёки бир неча корхоналардан ташкил топган бўлиши мумкин.

Фирмалар корхона, концерн ва корпорация шаклида бўлиши мумкин.

Фирма усулида автосервис хизмати ташкил этишнинг асосий максади, ишлаб чиқарилган автомобилларга сифатли техник хизмат ва жорий ремонт ишларини ташкил этиш бўлиб, улар ишлаб чиқарувчи фирма ёки завод томонидан бошқарилиб, автомобиллар сифатини эксплуатация шароитида тула урганиш ва мунтазам равишда уни яхшилаб боришга хизмат килади. Бу ишлар натижасида автомобиллар жахон бозорида рақобатга чидамли бўлиб, уларни сотиш даражаси ортади.

Фирма усулидаги биринчи автосервис 1902 йили "Форд" компанияси томонидан ташкил этилган. Хозирги пайтда Республикамизда автосервис хизмати қуйидаги қурулишларда ташкил этилган:

1. Тугридан тугри автозавод ташкил килган корхоналар (ёки кантроль пакетини сотиб олган) ёрдамида яъни "Узавтотеххизмат", "ВАЗ", "АЗЛК", "КамАЗ", "УзДЭУ" автоцентр.

2. Махсус хизмат курсатувчи фирмалар "Узтеххизмат", "Узавтотеххизмат" ёрдамида.

3. Диллерлар ёрдамида ташкил этилган автосервис корхоналари.

Фирма усулида автосервис хизмати ташкил этиш дунё автомобиль бозорида урин эгаллашида жудда катта ахамиятга эга, чунки автомобиллар сотилгандан сунг, сифатли хизматга мухтож булиши табиий хол. Янги турдаги автомобилларга хизмат курсатишни факат фирма ташкил килган автосервислар олиб бориши мумкин.

Енгил, юк автомобиллари ва автобуслар учун фирма усулида автосервис хизмати курсатишнинг узига хос хусусиятлари мавжуддир.

Чунки хар-хил турдаги автомобилларни эксплуатация шароитини урганиб чиккан холда хизмат ташкил этиш зарур. Ўзбекистонда фирма усулида автосервис хизмати ташкил этишнинг асосий муаммоларидан, мавжуд автосервис корхоналари жахон талабларига жавоб бермаслиги, реконструкцияга мухтожлигига ва 70- 80 %и режасиз (плансиз) курилганлиги, экология шароити хисобга олинмаганлигидадир. Истикболлари устида тухтар эканмиз, хозирги кунда "Буюк ипак йули" да, шаҳар йул буйида "Сифатли ва ишончли" автосервисга талаб куплигидадир.

Хозирги кунда фирмалар томонидан илмий- техник ахборот берувчи ва тижорат автомарказларга эхтиёж юкори булиб, уларда автомобилларга кайси йуналишдаги хизматга кай даражада талаб борлиги урганилади. Кайси эхтиёт кисмларга талаб канчалик булишини хисоблаш мумкин.

Диллерлик пунктлари асосан автомобиллар сотиш учун мулжалланган корхоналардир. Уларда шунингдек, автомобилларга сотув-олди хизмати ва кафолат хизматлари хам курсатиш мумкин.

Диллерлик пунктлари бажарадиган иш турлари буйича икки хил булиши мумкин:

1. Факат автомобиллар билан савдо килувчи, яъни автосаклаш жойларга, автосалонларга ва сотув-олди куриги постига эга булган пункт;
2. Тулик диллерлик пункти, яъни сотиладиган автомобиллар саклаш жойлари, автосалон, сотув-олди куриги пости, автомобилларга кафолат хизмати курсатувчи зонага эга.

Автосервис турлари бир неча хил булади:

1. Автомобилларга техник хизмат курсатиш ва таъмирлаш ишларини бажарадиган;
2. Диллерлик пункти;
3. Автосалон;
4. Автомарказ;
5. Автомолиларга ёкилги куйиш шахобчаси;
6. Автотурар жойлар;
7. Автосаклаш жойлари;
8. Йул буйидаги автосервис;
9. Кемпинг;
10. Мотеллар;

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Автосервислар бажарадиган ишларига караб кандай турларга булинади ?
2. Автосервислар куввати буйича турларга булинишини айтинг ?
3. Фирма усулида автосервис хизмати деганда нимани тушунаси ?
4. Диллерлик пунктлари нима ?
5. Фирма хизматининг автомобил сифатини оширишда кандай ахамияти бор ?
6. Автосервислар бажарадиган иш тартибига вазифасига караб турларга булиниши?

7. Фирма усулида автосервис хизматини ташкил этишнинг асосий муаммолари?
8. Автосервисларнинг асосий хизмат йуналишлари?
9. Фирма усулидаги автосервислар турлари?
10. Кемпинг нима?

Фойдаланиш учун адабиётлар.

1. Напольский М. Технологическое проектирование автотранспортных предприятий и станций технического обслуживания. М.: Транспорт, 1985 г.
2. Ханс Виссела. Менеджмент в подразделениях фирмы. М.: Инфра-М, 1996 г.
3. Фастовцев Г.Ф. Организация технического обслуживания и ремонта легковых автомобилей. М.: Транспорт, 1989, 239 с.
4. Крамаренко Г.В., Бараликов И.В. Технологическое обслуживание автомобилей М. Транспорт, 1982 - 368 с.
5. Хлявич А.И. Обслуживание автомобилей населения. М.: Транспорт, 1990 - 238с.
6. Афанасьев Л.А и др. Гаражи и станции технического обслуживания автомобилей. М.: Транспорт 1982-238с.
7. Кузнецов Е.С., Курников И.П, Производственная база автомобильного транспорта. М., Транспорт. 1988г.
8. Развитие автосервиса М.1990 (ежегодная обзорная информация)
9. Руководство по организации работ на СТО УзДЕУ - авто КО. Андижан, УзДЕУ авто 1999 - 128с.
10. Крамаренко Г.В ва бошқалар. автомобиллар техник эксплуатацияси Тошкент, Укитувчи, 1994-220б
11. Узбекистон Республикаси автомобиль транспорти ҳаракат таркибиға техник хизмат курсатиш ва таъмирлаш тугрисида Низом. Тошкент, 1999-196б.
12. www.automobilemag.com
13. www.auto.com

14. www.motortrend.com
15. www.autobild.de
16. www.automechanic.ru
17. www.autonews.ru
18. www.motor.ru
19. www.zr.ru

3. Мавзу: Автосервис хизмати курсатувчи корхона ва фирмалар.

Режа:

- 1. Автомобилларга техник хизмат курсатиш станциялари(АТХКС).**
- 2. Шахардаги ва йул буйидаги АТХКС лар.**
- 3. Автомобилларни саклаш ва турар жойлари.**

Автосервислар ичида йирик корхоналардан бири автомобиллар техник хизмат ва ремонт ишларини бажарувчи станциялардир. Улар олдида куйилган вазифа, жойлашган манзили ва курсатаётган хизмат турлари асосан куйидаги таснифга эга (2 расм). 2- расмда келтирилган тасниф шартли булиб, уларнинг куриниши яна ҳам кенгрок булиши мумкин.


АТХКС лар куп тармокли ишлаб- чикариш корхонаси булиб, улар олдида куйилган вазифага кура автомобилларни техник соз холатини таъминлаш учун хизмат киладилар. Бунинг учун улар куйидаги ишларни бажарадилар: автомобилларга ТХ курсатиш ва ремонт килиш; автомобилларга кафолат хизмати курсатиш, диагностика ишларини бажариш. Автомобиль агрегатларини капитал ремонт килиш, автомобиллар ва уларга эхтиёт кисмлар сотиш ва бошкалар.

Олдида куйилган вазифа ва жойлашган ерига караб АТХКС куйидаги турларга булинади:

- Шахардаги АТХКС;
- Йул буйидаги АТХКС.

Шаҳардаги АТХКС асосан аҳолига тегишли булган енгил шахсий автомобилларга техник хизмат курсатиш ва ремонт килиш учун мулжалланган.

Йул буйидаги станцияларни автомобиль йулларида жойлашган бўлиб, йулда бузилган автомобилларга ёрдам бериш учун хизмат килади.



2-расм. АТХКС таснифи.

АТХК станцияларнинг бундай булиши уларни технологик жихозлаш ишларини фарклаш учун керак булади.

Масалан, шаҳардаги АТХКС лар учун мавжуд булиши зарур булган кузов ва буёклаш участкалари йул буйидаги станцияларда булмаслиги мумкин.

Шахар АТХКС лари бажараётган хизмат турларига караб комплекслашган, махсуслашган ва автозавод томонидан ташкил этилган булиши мумкин.

Комплекслашган станциялар автомобилларни комплекс холда техник хизмат ва ремонт килиш учун йуналтирилган. Бундай АТХКС универсал, яъни бир неча турдаги автомобиль моделларига хизмат курсатади ёки махсуслаштирилган (факат битта автомобиль моделига хизмат курсатади) булиши мумкин.

Ўзбекистонда "ЎзДЕУ авто Со" кушма корхонаси, "Самкочавто" заводи курилиши ва ахоли автомобиль паркининг ортиб бориш муносабати билан хозир Республикада автомобил моделлари буйича махсуслашган АТХКС лар сони ортиб бормокда. Бу "Дамас", "Нексия", "Тико" автомобилларига махсус хизмат курсатувчи станциялар салмогининг ортиб боришида номоён булмокда.

Автомобиллар паркининг ортиб бориши муносабати билан якин келажакда Республикада бажариладиган иш тури буйича махсуслашган АТХКС ташкил этиш кузда тутилмокда.

Булар автомобилларни диагностика килиш, тормозларни созлаш ва ремонт килиш, аккумулятор батареяларини ремонт килиш ва зарядкалаш, кузовларни ремонт килиш, автомобилларни ювиш ва бошкалар.

Якин келажакда уз- узига хизмат килиш шахобчалари ташкил этиш режалаштирилмокда. Бунда автомобил эгаси АТХКС нинг махсус уз-узига хизмат постларида уз кучи билан ТХК ва ремонт ишларини бажаради. АТХКС автомобиль эгасига иш куруллари ва маслахатлар беради. Уз-узига хизмат килиш постлари шаҳардаги АТХКС ва йул буйидаги станцияларда ташкил этилиш мумкин. Йул буйидаги станциялар енгил автомобил, юк автомобиллари автобусларга ТХК ва ремонт ишлари учун хизмат килади. Уларда 1- 5 тагача ишчи постлари булиб, автомобилларни ювиш- тозалаш, мойлаш, котириш-созлаш ишларини бажариш, йулда юзага келган майда

бузукликларни бартараф этиш ишларини бажариш учун мулжалланади ва куп холатларда АЁКШ билан биргаликда ташкил этилади.

Аҳоли энгил автомобиллардан самарали фойдаланиш учун уларни саклашни ташкил этиш мухим ахамиятга эга. Шу туфайли АТХКС тизимларини ривожлантириш билан бир каторда автомобилларни саклаш масаласини ҳам хал этиб бориш зарур. Аммо республиканинг йирик шаҳарларида, айникса пойтахтда, энгил ватомобилларни саклаш ривожланаётган булишига карамай куп автомобиллар куча ва ховли (двор)ларда сакланиб келмокда. Бундай холат бир катор нокулайликлар ва шаҳар ободончилигида бир катор кийинчиликлар пайдо булишига сабаб булмокда.

Автомобилларни саклаш ва уларга турар жойлари ташкил этиш мураккаб масала булиб, уларнинг ечими куйидаги вариантларда ифодаланиши мумкин:

- куп этажли аҳоли яшайдиган жойларда автомобилларни доимо саклаш учун: очик, 25- 200 автомобилларга мулжалланган махсус автомобиль саклаш майдонлари ташкил этиш, майдон автомобилларини саклаш даҳасида яшовчи аҳолининг 30-50% автомобилларни куйиш учун етарли булиши керак ;
- куп этажли 2-5 рамкали 100- 500 автомобил сигадиған гараж-турар жойлари ташкил этиш;
- аҳоли куп яшайдиган уй подваллари ёки биринчи каватларида гараж турар жойлари барпо килиш;
- шаҳар марказларида автомобилларни вактинча саклаш учун, 5-6 каватли биноларда куп яросли механизациялашган саклаш жойлари ташкил этиш;

Марказий шаҳарларда автомобилларин вактинча саклаш учун пуллик автомобиль турар жойлари ва гаражлар куриш махсадга мувофикдир. Бу шароитда автогараж ва турар жойлардан автомобилнинг иккинчи даражали кучаларга чикишини ташкил этиш керак.

Атроф-мухитни химоя килиш ва санитария-гигиена талабларини кондиритиш учун автомобилларни ертулаларда саклашни ташкил этиш яхши самара беради.

Ахоли автомобилларини доимо саклаш учун автомобил эгаларининг маблағлари оркали гаражлар куришни режалаштириш ҳам мумкин. Бундай йул билан куриладиган пуллик автотурар жойлари мавжуд булган гаражлар узини 1,5-3 йилда коплаши мумкин.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. АТХКС таснифини тушунтиринг.
2. Шахар ва йул буйидаги АТХКС нинг хусусий томонлари нималардан иборат ?
3. Автомобилларни саклаш жойлар нима ?
4. Автомобиллар саклаш жойларини ривожлантиш истикболлари ?
5. Йул буйидаги автосервис.
6. Шахардаги автосервис.
7. Автомобилларни турар жойлари нима?
8. Махсуслаштирилган автосервислар?
9. Универсал автосервислар?
10. АЁКШ ва мотеллар?

Фойдаланиш учун адабиётлар.

1. Напольский М. Технологическое проектирование автотранспортных предприятий и станций технического обслуживания. М.: Транспорт, 1985 г.
2. Ханс Виссела. Менеджмент в подразделениях фирмы. М.: Инфра-М, 1996 г.
3. Фастовцев Г.Ф. Организация технического обслуживания и ремонта легковых автомобилей. М.: Транспорт, 1989, 239 с.
4. Крамаренко Г.В, Бараликов И.В. Технологическое обслуживания автомобилей М. Транспорт, 1982 - 368 с.

5. Хлявич А.И. Обслуживание автомобилей населения. М.:Транспорт,1990 - 238с.
6. Афанасьев.Л.А и др. Гаражи и станции технического обслуживание автомобилей. М.: Транспорт 1982-238с.
7. Кузнецов Е.С., Курников И.П, Производственная база автомобильного транспорта. М., Транспорт. 1988г.
8. Развитие автосервиса М.1990 (ежегодная обзорная информация)
9. Руководство по организации работ на СТО УзДЕУ - авто КО.Андижан, УзДЕУавто 1999 - 128с.
- 10.Крамаренко Г.В ва бошкалар. автомобиллар техник эксплуатацияси Тошкент, Укитувчи, 1994-220б
- 11.Узбекистон Республикаси автомобиль транспорти харакат таркибига техник хизмат курсатиш ва таъмирлаш тугрисида Низом. Тошкент, 1999-196б.
- 12.www.automobilemag.com
- 13.www.auto.com
- 14.www.motortrend.com
- 15.www.autobild.de
- 16.www.automechanic.ru
- 17.www.autonews.ru
- 18.www.motor.ru
- 19.www.zr.ru

4. Мавзу: Автосервис хизмати корхоналарининг ишлаб чиқариш техник базаси

Режа:

- 1. Автосервис ИЧТБ лари тугрисида тушунча.**
- 2. АТХКС база ва омборхоналари.**

Автосервис хизмати корхоналарининг ишлаб чиқариш техник базаси (ИЧТБ) деганда аҳоли автомобилларини техник соз ҳолда ушлаб туриш учун ТХК ва ремонт ишларини узида мавжуд бўлган технологик жихозлар ёрдамида сифатли қилиб бажара олиш имкониятига эга бўлган комплекс ишлаб чиқариш жихозлари мажмуи тушунилади. Автосервис корхоналарининг ИЧТБ лари асосан қуйидаги уч хил қуринишдаги комплекс ташкилотларидан иборат: АТХКС, ТХ ва ремонт ишларини бажара олиш имкониятига эга бўлган пункт ва устахоналар; автосервисларни материал техник жихатдан таъминловчи база ва омборхоналар; автомобиллар сақлаш гараж ва турар жойлари.

ИЧТБ дан фойдаланиш самарасини ошириш ва ривожлантириш мақсадида қўп ҳолатларда ушбу учала ташкилотлар фаолияти ва майдон жихатидан бирлаштирилган бўлиш мумкин.

ИЧТБ жихоз ва участкаларда автомобилларга ТХК ва ремонт ишлари бажарилиб, ҳар бир участкага маълум миқдорда автомобиль-жойи бириктирилган бўлади.

Автомобил- жойи деб автомобилларга ТХК ва ремонт бажариш, қутиш ва автомобилни эгасига қайтариш учун зарур бўлган АТХКС биноси остида, очик майдонда, ёпиклар остидаги участка майдони тушунилади.

АТХКС биноларидаги автомобил-жойлари технологик нуқтаи-назардан икки турга бўлинади: ишчи постлар ва ёрдамчи постлар.

Ишчи-пост деганда маълум технологик жихозларга эга бўлган ва автомобилларнинг техник соз ҳолатини тиклаш учун унга ТХ қурсатиш ишларини бажаришга мулжалланган автомобил- жойлари тушунилади. Бундай ишчи постларга автомобилларни ювиш, диагностика қилиш, ТХ ва ремонт ҳамда бўёклаш постлари қиради.

Ёрдамчи постлар деганда автомобилнинг узида, автомобилни техник соз ҳолатини ушлаб туриш ёки қайта тиклаш учун зарур бўлган технологик ёрдамчи ишларни бажариш постлари тушунилади. Булар автомобилларни

кабул килиш ва эгасига топшириш буяш учун тайёрлаш, буёк ишлари ва ювилганидан сунг куритиш постлари.

ИЧТБ автосервис корхоналари таркибида жойлашган булиб, узининг ишлаб чикариш зоналари, технологик жихозлари, ишлаб чикариш биноси ва иншоотларига эга булади. Уларнинг асосий вазифаси АТВ га сифатли ТХ ва ремонт ишларини самарали холда олиб боришдан иборат.

ИЧТБ куйидаги асосий элементлардан ташкил топган:

1. Асосий ишлаб чикариш воситалари комплекс системаси.

2. Ёрдамчи воситалар.

Асосий ишлаб чикариш воситалари комплекс системаси куйидаги элементлардан ташкил топган:

а) Ишлаб чикариш технологик бино ва иншоотлари.

б) ТХ ва ремонт зона, постлари.

в) Ишлаб чикариш технологик жихозлари.

г) Ишлаб чикариш кучлари.

д) Ишлаб чикариш цех ва булимлари.

Ёрдамчи воситаларга куйидагилар киради:

а) Эхтиёт кисмлар омбори.

б) Автомобилларнинг ТХ ва ремонт кутиш майдонлари.

в) Ишлаб чикариш материал техник воситалари.

ИЧТБ участкалари олдида куйиладиган куйидаги вазифаларни бажаради:

- автомобилларни кабул килиш ва эгасига кайтариш участкасида автомобилларни урнатилган тартиб билан ТХ ва ремонт ишлари бажариш учун кабул килиш ҳамда техник соз холга келтирилган автомобилни эгасига кайтариш.

- ювиш- тозалаш участкасида автомобиль кузови ва салонларини тозалаш, двигателини ювиш, автомобилни ости ва устидан ювиш-куритиш ва кузовини ялтиратиш (полировка) ;

- диагностика килиш участкасида автомобиль унинг агрегат ва механизмлари техник ҳолатини қисмларга ажратмаган ҳолда аниқлаш;
- ТХК участкасида автомобилни техник соҳ ҳолда мунтазам ушлаб туриш, бузукликларни олдини олиш, автомобилдан самарали фойдаланишга эришиш мақсадида комплекс профилактика ишлари олиб бориш;
- мойлаш- куйиш ишлари участкасида автомобил двигатель мойини ва филтрини алмаштириш, трансмиссия қисмлари мойларини меъёрига етказиб тулдириш;
- жорий ремонт участкасида автомобиль узел ва агрегатларида пайдо бўлган бузукликларни созлаш йули билан бартараф этиш мумкин бўлмаган ҳолларда детал ва узелларни алмаштириш йули билан автомобил ишчанлигини қайта тиклаш.

Бундан ташқари ИЧТБ махсуслашган участкалар мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат: агрегат-механика участкаси, аккумулятор, электротехника, карбюратор, шиноремонт, уриндиклар таъмирлаш, кузов, бўёқ участкаларидир. Бу участкаларда мос равишда белгиланган ишлар бажарилади.

АТХКС да ишлаб чиқариш жараёнини тулақонли равишда ташкил этиш учун уни мунтазам эҳтиёт қисмлар ва материаллар билан таъминлаш зарур. Уларни сақлаш учун эса махсус бино ва иншоотлар қуриш керак бўлади.

Замонавий эҳтиёт қисмлар базаси омборхоналар мураккаб қурилиш иншоотлари ва махсус жихозлар билан таъминланган комплекс тизим бўлиб, АТХКС фаолиятида катта аҳамиятга эга.

Енгил автомобиль эҳтиёт қисм ва материаллари, омборхоналари уз вазифасига қура уч турга бўлинади: автомобиль заводларининг марказий эҳтиёт қисмлар ва материаллар базаси; маълум марка автомобиллари учун ТХК ва ремонт учун мулжалланган махсус омборхоналар; вилоят ишлаб чиқариш қорхоналари учун эҳтиёт қисм ва материаллар омборхоналари.


Марказий омборхоналар Республикада ташкил этилган булиб, йирик ва механизациялашган, ЭХМ билан таъминланган марказ булиб унга эҳтиёт қисмлар автомобиль ишлаб чиқарувчи заводлардан келтирилади.


Махсус омборхоналар ва вилоят омборхоналарига эҳтиёт қисм ва материаллар марказий омборхоналаридан тақсимланади.

Омборхоналарга қуйидаги асосий талаблар қуйилади:

- талаб этилган жойларга эҳтиёт қисм ва материалларни кичик харажатлар билан тезда етказиш;
- юк келтириш ва олиб кетиш транспорт йулларига эга булиш;
- сақланаётган эҳтиёт қисм ва материалларни ҳаво температураси, намлик, механик ва бошқа таъсирлардан эҳтиёт қилиш;
- омборхона ичида самарали иш ташкил этиш учун керакли жихозларга эга булиш;
- омборхона бинолари ичида қуйида асосий зоналар ташкил этилади:
- эҳтиёт қисмларни қабул қилиш жойлаш ва сақлаш;
- топшириш ва комплектлаш зоналари (3- расм)

Эҳтиёт қисмларини қабул қилиш зонасига келтирилган эҳтиёт қисмлар транспорт воситасидан куприкли кранлар ёрдамида тушунилади.





3- расм. Марказий Республика эхтиёт қисмлар базаси схемаси.

I-Эхтиёт қисмларни қабул қилиш зонаси;

II- Эхтиёт қисмларни сақлаш зонаси;

III- Эхтиёт қисмларни жунатиш зонаси;

1-Юк қутариш қрани.

Жойлаштириш ва сақлаш зонасида қабул қилинган эхтиёт қисмлар назорат қилинади, тортиб, улчаб қурилади, қайтадан упаковка қилинади ва шунга ухшаган бошқа ишлар бажарилади. Бу зона осма электр қранлари, тортиш учун тарози ва бошқа зарур жихозлар билан таъминланган бўлади.

Қабул қилинган эхтиёт қисмлар расмийлаштирилгандан сунг электр юклагичлар ёрдамида сақлаш зоналарига транспортировка қилинади. Эхтиёт қисмлар асосан стеллажларга жойлаштирилиб сақланади.

Маида эхтиёт қисмлар ҳар қуни ишлатилгани туфайли улар паст стеллажларда сақланади. Автомобил кузовлари ва уларга тегишли йирик деталлар қуприкли қранлар билан олиш қулай бўлган зоналарда сақланади.

Эхтиёт қисмларни бериш ва комплекташ зонасига тушган талабномалар асосида омборхона диспетчери қундалиқ эхтиёт қисм ва материаллар топшириш режаси тузади. Ушбу режа асосида комплектовка қилиш ишчиларга топширилиши қерак бўлган эхтиёт қисмлар микдорини комплектовка қилиш вазифаси берилади. Тайёр бўлган эхтиёт қисм юкларни жунатиш участкасига қран ёки электр юклагичлар билан олиб утилади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. АТХКСнинг ИЧТБ аҳамияти ва вазифаси.
2. ИЧТБ тарқибий элементларини тушунтиринг.
3. Эхтиёт қисмлар базаси турлари ва вазифасини тушинтиринг.

4. Эҳтиёт қисмларни омборхоналарда қабул қилиш, сақлаш ва жунатиш тартиби қандай?

5. Ишчи пост нима?

6. Ёрдамчи пост нима?

7. Омборхоналарга қуйиладиган асосий талаблар?

8. Асосий ишлаб чиқариш воситалари?

9. ИЧТБ участкалари олдига қуйиладиган асосий вазифалар?

10. ИЧТБ махсуслаштирилган участкалари?

Фойдаланиш учун адабиётлар.

1. Напольский М. Технологическое проектирование автотранспортных предприятий и станций технического обслуживания. М.: Транспорт, 1985 г.
2. Ханс Виссела. Менеджмент в подразделениях фирмы. М.: Инфра-М, 1996 г.
3. Фастовцев Г.Ф. Организация технического обслуживания и ремонта легковых автомобилей. М.: Транспорт, 1989, 239 с.
4. Крамаренко Г.В, Бараликов И.В. Технологическое обслуживания автомобилей М. Транспорт, 1982 - 368 с.
5. Хлявич А.И. Обслуживание автомобилей населения. М.: Транспорт, 1990 - 238с.
6. Афанасьев.Л.А и др. Гаражи и станции технического обслуживания автомобилей. М.: Транспорт 1982-238с.
7. Кузнецов Е.С., Курников И.П, Производственная база автомобильного транспорта. М., Транспорт. 1988г.
8. Развитие автосервиса М.1990 (ежегодная обзорная информация)
9. Руководство по организации работ на СТО УзДЕУ - авто КО.Андижан, УзДЕУавто 1999 - 128с.
10. Крамаренко Г.В ва бошқалар. автомобиллар техник эксплуатацияси Тошкент, Укитувчи, 1994-220б

11. Узбекистон Республикаси автомобиль транспорти ҳаракат таркибига техник хизмат курсатиш ва таъмирлаш тугрисида Низом. Тошкент, 1999-1966.
12. www.automobilemag.com
13. www.auto.com
14. www.motortrend.com
15. www.autobild.de
16. www.automechanic.ru
17. www.autonews.ru
18. www.motor.ru
19. www.zr.ru

5. Мавзу: Автомобилларга сотув-олди хизмати ташкил этиш асослари.

Режа:

- 1. Сотув олди хизмати тугрисида тушунча.**
- 2. Сотув олди хизматида бажарилган ишлар, уларни бажаришни ташкил этиш.**
- 3. Автомобилларни сотиш, сотиб олиш ва реклама килиш.**

Заводдан ишлаб чиқариш енгил автомобиль харидор кулига етиб боргунча бир катор техник хизматлардан утказилади. Бундай хизматлардан бири автомобилларга сотув олди ТХ курсатиш жараёнидир.

Автомобилларга сотув олди хизмати курсатиш деганда заводдан чиққан янги автомобилни харидорга техник соз ва эксплуатация килиш учун тайёр холда бериш мақсадида утказиладиган ишлар комплекси тушунилади.

Сотув олди хизмати автомобиль саноат стандарти "енгил автомобилларни сотиш учун тайёрлаш" талаблари асосида амалга оширилади.

Бундай хизмат янги автомобиль сотаётган ташкилот томонидан утказилади. Енгил автомобилларни сотув олди хизматидан утказиш факат

автосервис корхоналари учун ахамиятлидир ва автомобил ишлаб чиқариш завод унинг сифати учун маъсул жавобгарлигидан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам завод сотув олди хизмати пайтида аниқланган характерли бузукликлар ҳақидаги барча маълумотларни қабул қилади ва улар асосида автомобиллар конструкциясини такомиллаштириб уларнинг сифатини ошириш тадбирларини қўллайди.

Янги ишлаб чиқариш автомобил сотиш пайтида заводнинг техник шартлари ва шу қаби меъёрий давлат ҳужжатлари талабларига тула жавоб бериши керак. Сотув олди хизматини утқазиш заводнинг қафолатли хизмати шартларидаги бажарилиши мажбурий булган талаблардан биридир. Сотув олди хизматининг бажарилиш сифатига бу ишни амалга оширган ташкилот жавобгар ҳисобланади. Сотув олди хизмати утқазилганлиги ҳақида автомобилни сервис-дафтарчаси ёки унинг урнини босадиган бошқа бир ҳужжатга ёзиб қўйилади.

Сотув олди хизмати қўйидаги ишлар комплексини уз ичига олади:

1. Бажарилиши мажбурий булган ишлар.
2. Керак булганда бузукликларни бартараф этиш ишлари.
3. Қўшимча ишлар. Қўшимча ишлар харидор талабига асосан бажарилади ва бу ишлар учун у алоҳида ҳақ қўлайди.

Бажарилиши мажбурий булган ишлар комплекси қўйидагиларни уз ичига олади: автомобиль консервация қўпламаларини олиб ташлаш ва ювиш-тозалаш ишлари бажариш; автомобил двигатели, шасси ва кузовида қўрсатилган рақам сонларининг маҳсулотни қўзатиш ҳужжатларида берилган рақамларга мос қилишини текшириш; автомобиль учун керак булган техник ҳужжат, комплекташ асбобларнинг тула эканлигини текшириш; ҳаракат ҳавфсизлигини таъминлаш қисмлари техник қўзлигини текшириш ва қўзлаш; автомобил заводдан сотиш жойига қелтирилиши ёки сакланиши даврида пайдо булган механик дефектларини бартараф этиш, масалан, кузовда пайдо булган қизик ёки қўқланишларни бартараф қилиш. Ушбу ишларни бажариш учун

зарур булган меҳнат сизими автомобил модели билан боғлиқ бўлиб, 4 одам*соат атрофида бўлиши мумкин.

Керак бўлганда бузуқликларни бартараф этиш ишлари автомобилда пайдо булган бузуқликларни бажариши мажбур булган ишлар орқали бартараф этиш имконияти булмаган ҳоларда бажарилади. Бундай ишлар миқдори сотилаётган автомобилларнинг 3,5- 4,5 % да учраши мумкин. Бу ишлар автомобилни сотувчи ташкилот ва завод билан тузилган шартнома асосида утказилади.

Қушимча ишлар комплексига қуйидаги ишлар кириш мумкин: автомобилни угирлашга қарши қурилма, юк ташиш қурилмалари ўрнатиш, автомобил канотларига қуриш ойналари қуйиш ва бошқалар. Бузуқликлар ҳақида ишлаб чиқариш заводида маълумот берилади, бу маълумотлар асосида завод автомобил сифатини яхшилаш ишлари олиб боради.

Сотув олди хизмат автомобилни ювиш- тозалаш ишлари билан бошлайди. Бунда автомобил кузовидаги турли ифлосликлар, чанг, вақтинчалик қопланган химоявий катламлар ювилиб, салонлар тозаланади.

Техник хизмат ишларини бажариш пайтида қуйидаги системаларнинг герметиклиги текшириб чиқилади, тормоз тармоқлари, илашиш механизми, двигателнинг совутиш системаси, иситиш ва ойналарни ювиш системалар. Аккумулятор батареясининг бутунлилик, ҳолати, ундаги электролит сатҳи ва зичлиги қуриб чиқилади.

Автомобилнинг двигатель қисмида қуйидагилар бажарилади:

- совутиш суюқликларнинг сатҳи, антифризнинг ҳолати текширилади.
- бош тормоз цилиндри ва бош илашиш муфтаси юритмасининг бош цилиндрдаги суюқлик сатҳларини текшириб чиқиш.
- ойна ювиш қурилмаси идишидаги сув сатҳини текшириш;
- мотордаги мой сатҳини текшириш;
- вентилятор-генератор тасмалари, рул гидрокучайтиргич тасмалари таранглигини текшириш, керак бўлса созлаш.

Бошқариш тизимлари бўйича қуйидаги ишлар бажарилади:

- хавфсизлик камарларининг ҳолати ва бикрлигини текшириш;
- уриндикларнинг ҳолати, соз ишлаши ва тозаллигини текшириш;
- тухтаб туриш тормознинг соз ишлашини текшириш;
- товуш сигналининг ишлашини текшириш;
- ёруғлик, электр сигнал, якин ва узокни ёритиш фараларининг соз ишлашини текшириш;
- автомобилнинг габарит чироклари ва давлат кайд этиш ракамларининг ёритилиши ҳолатини текшириш;
- салондаги назорат панелининг ишлаши ва ёритилишини куриш, текшириш;
- тормоз ва орқа габарит чироклари, орқага юриш чирог и ва салон ичининг ёритилиш ҳолатлари текшириб чиқилади;

Автомобилнинг юриш қисмида қуйидаги текширув-назорат ишлари бажарилади;

- шиналарда босимнинг меъёрга мослиги;
- гилдиракларнинг барабанларига қотирилиши;
- ёкилги, мой, суюқликларнинг оқиб кетиши эҳтимоли бор жойларни куриб чиқиш;

Юргизиш, ишлатиб куриш бўйича, қуйидаги назорат-текшириш ишлари бажарилади:

- ут олдириш комбинациялаштирилган кулфининг соз ишлаши;
- тормоз тизимининг ишлаши ;
- моторнинг ишлаши, қизиши;
- трансмиссия ва илашмаларнинг соз ишлаши;
- рул бошқармасининг соз ишлаши;
- бурилиш курсаткичлари ва авария сигнализациясининг ишлаши;
- ёруғлик, электр сигнал ва назорат панелининг ишлаши;

- иситиш ва шамоллатиш курилмаларининг ишлаш ҳолати;
- орка ойнани киздириш механизмининг ишлаши;

Бу ишларни бажариш пайтида аниқланган барча носозликлар бартараф этилади.

Сотув олди хизмати пайтида унинг мажбурий комплекс ишларидан ташқари ҳолатда харидорнинг ихтиёри ва унинг қушимча сармояси ҳисобига қуйидаги ишлар бажарилиши мумкин: автомобилни олиб қочишга қарши курилма урнатиш; химоявий двигател поддонлари, резина сачратгич фартуклари, қушимча ойналар, туманга қарши электр фаралари урнатиш ва бошқа шу қаби ишлар бажарилади.

Сотув олди хизматининг якуний ишлари сифатида қуйидагилар амалга оширилади:

- ёпиштирилган курсаткичларни олиб ташлаш;
- автомобил буёғини қуриб чиқиш, дефектларини бартараф этиш;
- захира гилдирак ва асбоблар тупламини текшириш;
- калитлар рақамини ёзиш;
- автомобилни сотиш учун тайёрлаш;

Сотув олди хизматидан кейин автомобилнинг сифати завод томонидан қуйилган техник талаблар шартларига мос келиши керак.

Юқорида қайд этилган ишларни сифатли бажариш учун енгил автомобилларни сотишни АТХКС, диллерлик пунктлари ва махсус магазинлар орқали бажариш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун ташкилотларда сотув олди хизмати пости ташкил этиш ва уни керакли асбоблар ва жиҳозлар билан таъминлаш зарур бўлади.

Аҳолининг транспорт воситаларига бўлган талабини қондириш мақсадида турли автомобиллар ишлаб чиқарувчи корхона, завод ва фирмалар аҳолига турли марқадаги асосан енгил автомобиллар ишлаб чиқармоқдалар ва сотмоқдалар.

Махсулот ишлаб чиқарувчи завод автомобиллини сотади, аҳоли эса бу махсулотни сотиб олади ва улар орасида узаро фойдали иш амалга ошади.

Автомобил заводлари ишлаб чиқарган махсулотларни завод томонидан ташкил этилган фирма магазинлари, диллерлик пунктлари, АТХКС ва автомобил сотиш салонлари ёрдамида сотадилар.

Автомобилни сотиш белгиланган тартибда давлат томонидан тасдиқланган "Енгил" автомобилларни аҳолига сотиш қоидалари" асосида амалга оширилади. Ушбу қоидаларнинг бажарилиши завод ва автомобиль сотувчи ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

Автомобиль сотиб олмакчи бўлган харидор сотиш жойларига бориб, ёқтирган автомобил моделини танлайди ва бу ҳақида автомобиль салони ходимиға мурожаат қилади. Салон ходими автомобилға пул тулаш учун зарур бўлган счёт-маълумотнома тулдириб, харидор қулиға беради. Харидор ушбу ҳужжат орқали тегишли банкка урнатилган тартиб билан пул тулайди.

Счёт-маълумотноманинг бир қисми пул тулангандан сунг харидорға қайтарилади. Ушбу ҳужжат билан харидор яна автомобиль сотиш пунктиға келади.

Автомобил харидорға топширилишдан олдин сотув олди хизматидан утказилади, яъни харидор олдида автомобил юргизиб қурилади, кузов, двигател ва шассиға ёқилган номер рақамларининг техник ҳужжат ва счёт-маълумот формалардаги рақамларға мос қилиши текширилади. Ушбу счёт-маълумотнома автомобилға қушиб харидорға берилади, харидорға ушбу ҳужжат автомобилни ДАН орқали руйхатдан утқазиб номерлар олиш учун асос бўлади.

Автомобиллар сотиш самарасини ошириш мақсадида автомобиль заводи ва сотиш ташкилотлари орқали реклама ишлари олиб борилади. Автомобилларни реклама қилиш урнатилган тартиб билан турли маълумот тарқатиш тизимлари орқали амалга оширилади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Сотув олди хизмати нима учун керак.
2. Сотув олди хизмати кайси ташкилот оркали амалга оширилади.
3. Сотув олди хизмати белгиланган ишлар комплексини айтинг ?
4. Автомобил сотиш, сотиб олиш ишлари кандай амалга оширилади ?
5. Автомобилларни реклама килиш усуллари кандай ?
6. Сотув олди хизмати курсатилишида бажарилиши мажбурий ишлар?
7. Сотув олди хизмати курсатилишида керак булганда бажариладиган ишлар?
8. Сотув олди хизмати курсатилишида кушимча бажариладиган ишлар?
9. Сотув олди хизматининг якуний ишлари?
10. Автомобилларни харидоргирлигини ошириш йуллари?

Фойдаланиш учун адабиётлар.

1. Напольский М. Технологическое проектирование автотранспортных предприятий и станций технического обслуживания. М.: Транспорт, 1985 г.
2. Ханс Виссела. Менеджмент в подразделениях фирмы. М.: Инфра-М, 1996 г.
3. Фастовцев Г.Ф. Организация технического обслуживания и ремонта легковых автомобилей. М.: Транспорт, 1989, 239 с.
4. Крамаренко Г.В, Бараликов И.В. Технологическое обслуживания автомобилей М. Транспорт, 1982 - 368 с.
5. Хлявич А.И. Обслуживание автомобилей населения. М.:Транспорт,1990 - 238с.
6. Афанасьев.Л.А и др. Гаражи и станции технического обслуживания автомобилей. М.: Транспорт 1982-238с.
7. Кузнецов Е.С., Курников И.П, Производственная база автомобильного транспорта. М., Транспорт. 1988г.
8. Развитие автосервиса М.1990 (ежегодная обзорная информация)
9. Руководство по организации работ на СТО УзДЕУ - авто КО.Андижан, УзДЕУавто 1999 - 128с.

10. Крамаренко Г.В ва бошқалар. автомобиллар техник эксплуатацияси
Тошкент, Укитувчи, 1994-220б
11. Узбекистон Республикаси автомобиль транспорти ҳаракат таркибига техник
хизмат курсатиш ва таъмирлаш тугрисида Низом. Тошкент, 1999-196б.
12. www.automobilemag.com
13. www.auto.com
14. www.motortrend.com
15. www.autobild.de
16. www.automechanic.ru
17. www.autonews.ru
18. www.motor.ru
19. www.zr.ru

6. Мавзу: Автомобилларга кафолатли хизмат курсатишни ташкил этиш асослари.

Режа:

- 1. Кафолатли хизмат тугрисида тушунча.**
- 2. Кафолатли хизмат курсатиш тартиби.**
- 3. Рекламацион ва норекламацион даъво**
- 4. Кафолатли хизмат ҳуқуқларининг йукотилиши.**

Кафолатли хизмат деганда маҳсулот ишлаб чиқариш завод томонидан конструкциясига берилган техник соз ҳолатни маълум муддат ичида ёки ишлатиши даврида саклаш учун бажариладиган техник хизмат ва ремонт ишлари комплекси тушунилади. Демак, кафолатли хизмат ҳар бир маҳсулот учун ишлаб чиқарувчи корхона томонидан белгиланиб, маълум муддат ичида маҳсулотнинг бузилмасдан соз ҳолда ишлашини таъминловчи тадбирлар комплексидир. Кафолатли хизмат, унинг утказилиш вақтлари, тартиби ва бажарилиш сифатлари ишлаб чиқарувчи корхона томонидан белгиланиб

унинг бажарилиш шартларидан биридир. Чунки кафолатли хизмати оркали махсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар, шу жумладан автомобиль заводлари узларини ишлаб чиқарган автомобилнинг сифат курсаткичларига жавобгарлик масъулиятини зиммаларига оладилар.

Кафолатли хизмат урнатилган кафолат муддати ичида бепул бажарилади. Бунинг учун автомобилда бузуклик ёки дефектлар автомобиль эгасининг айби билан эмас, балки ишлаб чиқаришда йул қуйилган хатолар оқибатида келган бўлиши керак, яъни автомобил эгаси эксплуатация даврида завод урнатган тартибга амал қилган ва автомобилни сотиш қоидалари бузилмаган бўлиши шарт. Кафолат хизмати маълум муддат ёки босиб утилган масофа оралигида амалга оширилади. Бундай мажбурият давр ҳақида завод томонидан автомобилни тугри эксплуатация қилиш инструкциясида қўрсатилган бўлади.

Кафолатли хизматлар техник хизмат қўрсатиш ва ремонт ишларини уз ичига олади. Кафолат хизматли "Аҳоли енгил автомобилларига кафолатли хизмат қўрсатиш йуриқномасига" асосан бажарилади. Кафолатли хизмат даври сервис қитобчасида белгиланган бўлиб, автомобил сотилган кундан бошлаб ҳисоблаб чиқилади.

Кафолатли хизмат қўрсатиш билан боғлиқ бўлган барча ишлар ишлаб чиқариш заводи ҳисобидан амалга оширилади.

Сотув олди хизматидан утмаган автомобиллар учун кафолатли хизмат ҳуқуқи берилмайди.

Кафолатли хизмат муддати даврида бажарилган ТХК ишлари ҳаражатлари автомобиль эгаси томонидан қопланади. Бундай ишларнинг нархи урнатилган прејскурантлар ёрдамида ва бажарилган операциялар асосида белгиланади. Бунда ТХК операциялари рўйхати автомобилнинг сервис-дафтарчаси ёки автомобилни эксплуатация қилиш инструкциясида берилади.

Кафолатли хизмат утказиш пайтида аникланган барча бузукликлар бартараф этилади. Лекин бу ҳолларда автомобил эгасининг айби билан содир булган бузукликлар аникланганда автомобил эгасининг розилиги билан унинг хисобидан ушбу бузукликлар бартараф этилади.

Кафолатли хизмат ёки ремонтдан кейин эгаси топшираётган автомобилнинг эксплуатацион курсаткичлари завод томонидан урнатилган техник шарт талабларига мос келиши керак.

Завод томонидан урнатилган кафолатли муддати автомобил кафолатли хазматда канча вақт турган бўлса ушанча муддатга чузилади ва ремонт килинган ёки алмаштирилган агрегатлар учун қушимча муддат белгиланади. Бундай муддатлар детал ёки агрегат турига боғлиқ бўлиб, уларнинг даври завод томонидан белгиланади.

Кафолатли ремонт пунктларида, автомобил сотиш жойларида пулсиз хизмат сифатида яна бир қатор ишлар амалга оширилади, булар: АТВ га ТХК ва ремонт бўйича наъмунавий қурғазмаларни қуролларни намойиш этиш, завод томонидан қўзда тутилган реклама-маълумотларни тарқатиш ишларидир.

Автомобилнинг детал ва узеллари сифатига қилинадиган даъво АТХКС ёки автомобил сотаётган ташкилотлар орқали амалга оширилади. Бунинг учун автомобил сотиб олган счёти- маълумотнома нусхаси асос бўлади.

Автомобил эгаси кафолатли хизмат учун ёзма равишда ҳам ариза ёзиб турар жойига яқин жойлашган кафолатли хизмат пунктларидан бирига ёки заводга мурожаат қилиши мумкин. Бу ҳолда аризани қуриб чиқиш ва ҳулоса қабул қилиш учун маъмурият томонидан жойида ҳал этиш мақсадида мутахассисларни жўнатади.

Кафолатли хизмат меҳнат сизими ва мураккаблигига қараб 1- 14 сутка ичида бажарилиши керак. Бу давр автомобилни кафолатли ремонтга қабул қилинган қўндан бошлаб ҳисобланади.

Кафолатли хизмат утказиш билан боғлиқ булган барча ишлар АТХКС ёки автомобил сотиш махсус пунктлар ва ишлаб чиқариш завод билан

тузилган шартнома асосида бажарилади. Бунда томонларнинг ҳуқук ва бурчлари урнатилган тартиб асосида тузилган шартномалар курсатилади.

Комплектловчи маҳсулотлар учун кафолатли хизмат курсатиш ишлари ҳам шу маҳсулотларни ишлаб чиқарган ташкилотлар билан тузилган шартнома асосида АТХКС оркали амалга оширилиши мумкин.

Автомобилнинг техник ҳолати бўйича килинадин барча даъволар кафолат муддати давомида АТХКС оркали куриб чиқилади. Бунда АТХКС кафолат хизмати утказиш ҳуқуқига эга бўлиши шарт. Автомобиль шиналари аккумулятор батареякалари, радиопрёмник, соат ва шу кабилар бўйича килинадиган даъволар ҳам АТХКС оркали, агар шу маҳсулотлар ишлаб чиқариш ташкилотлар билан шартнома мавжуд бўлган ҳолларда куриб чиқилади.

Автозавод томонидан кафолатли хизмат оркали бартараф этиладиган автомобил дефектлари рекламацион ёки норекамацион дефектлар бўлиши мумкин.

Рекламацион дефектларга уз муддатидан аввал ейилиб кетган ёки ишдан чиккан детал, узел ва агрегатларни ремонт килиш ва созлаш учун махсус жихоз ва ускуналар зарур бўлган бузилишлар киради.

Норекамацион дефектларга лампочка, майда деталлар, саклагичларни алмаштириш ёки урнига созлаб урнатиб куйиш каби ишлар киради.

Рекламацион дефектларни бартараф этилганда "рекламацион далолатнома", норекамацион бузукликлар эса "кафолатли хизмат далолатномаси" сифатида хужжатлаштирилади. Бундай хужжатлар кафолатли хизмат бошланишдан олдин ва кейин тузилиб расмийлаштирилади.

Автомобил эгаси кафолат муддати ичида куйидаги ҳолларда кафолат хизматидан фойдаланиш ҳуқуқини йукотади:

- автомобил эгаси томонидан автомобилни эксплуатация килиш инструкциясида курсатилган коидаларни бузиш, шу уринда инструкциясида курсатилмаган эксплуатацион материалларни куллаш, ТХ ишлари хажми ва

белгиланган бажариш даврларига амал килмаслик, автомобиль белгиланган эксплуатацион параметрларни бузиш холларида;

- бажарилган ТХК ишлари хажми ва даврлари хакида сервис китобчасига белгиланмаганда;

- автомобилни бирон тусикка уриш ёки йул транспорт харакати ходисалари натижасида автомобилда содир булган куйидаги бузукликлар мавжуд булса асосий агрегатлардан бирини алмаштириш, база деталларини ремонт килиш ёки алмаштириш зарурияти пайдо булса;

- автомобиль конструкциясига эгаси томонидан узгартиришлар киритилса (автомобилни кул билан бошқаришга утказилса ёки аксинча ва бошқалар), стандарт детал ва узелларни бошка алмаштириб олинганда;

- автомобиль билан спорт мусобакаларида катнашган холларда;

- автомобилдан хайдовчи тайёрлаш максадида укув машгулотларида фойдаланилганда;

Агарда автомобиль конструкцияси дефектлар ёки ишлаб чиқариш камчиликлари асосида йул харакати ходисалари содир булса кафолатли хизмат хукуки тула сакланади.

Содир булган дефектнинг келиб чиқиши сабабларини жойида аниқлаш мумкин булмаган холларда агрегат ёки детал махсус лабораторияларига аниқлаш учун жунатилиш мумкин. Агар лаборатория оркали заводнинг айбдор эканлиги топилса ушбу дефект завод хисобидан бартараф этилади. Бундай дефектлар пайдо булишида автомобиль эгаси айбдор булса, у хат оркали хабардор килинади ва унинг даъвоси қабул килинмайди. Уртадаги транспорт харажатлари айбдор томон зиммасига тушади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Кафолатли хизмат нима ?
2. Кафолатли хизмат курсатиш коидаларини тушунтиринг.

3. Рекламацион даъво нима ?
4. Норекламацион даъво билан рекламацион даъво орасида кандай фарк бор?
5. Кафолат хизматига булган хукукнинг йукотилиш сабаблари нима ?
6. Кафолатли хизмат курсатиш буйича йурикнуа?
7. Кафолатли хизмат курсатиш тартиби?
8. Кафолатли хизматни утказиш буйича жавобгар шахс ва унинг хизмат доираси?
9. Автомобиль конструкциясидаги дефектларни кафолатли хизмат курсатилишига таъсири?
10. Кафолатли ремонт пунктларида кушимча равишда бажариладиган ишлар?

Фойдаланиш учун адабиётлар.

1. Напольский М. Технологическое проектирование автотранспортных предприятий и станций технического обслуживания. М.: Транспорт, 1985 г.
2. Ханс Виссела. Менеджмент в подразделениях фирмы. М.: Инфра-М, 1996 г.
3. Фастовцев Г.Ф. Организация технического обслуживания и ремонта легковых автомобилей. М.: Транспорт, 1989, 239 с.
4. Крамаренко Г.В, Бараликов И.В. Технологическое обслуживания автомобилей М. Транспорт, 1982 - 368 с.
5. Хлявич А.И. Обслуживание автомобилей населения. М.:Транспорт,1990 - 238с.
6. Афанасьев.Л.А и др. Гаражи и станции технического обслуживания автомобилей. М.: Транспорт 1982-238с.
7. Кузнецов Е.С., Курников И.П, Производственная база автомобильного транспорта. М., Транспорт. 1988г.
8. Развитие автосервиса М.1990 (ежегодная обзорная информация)
9. Руководство по организации работ на СТО УзДЕУ - авто КО.Андижан, УзДЕУавто 1999 - 128с.


10. Крамаренко Г.В. ва бошқалар. автомобиллар техник эксплуатацияси
Тошкент, Укитувчи, 1994-220б
11. Узбекистон Республикаси автомобиль транспорти ҳаракат таркибига техник
хизмат курсатиш ва таъмирлаш тугрисида Низом. Тошкент, 1999-196б.
12. www.automobilemag.com
13. www.auto.com
14. www.motortrend.com
15. www.autobild.de
16. www.automechanic.ru
17. www.autonews.ru
18. www.motor.ru
19. www.zr.ru


**7. Мавзу: Автосервис хизматини ташкил этиш технологияси.
Автосервисларда ТХ ва ремонт ишларининг технологик жараёнини
ташкил этиш.**

Режа:

- 1. Ишлаб чиқариш участкалари, бўлимлари.**
- 2. Ишлаб чиқариш схемаси.**
- 3. АТХКС фаолиятини белгилашни асосий меъёрий техник ва ҳуқуқий
ҳужжатлар.**

АТХКС ишлаб чиқариш технологик жараёнини рационал ташкил этиш
деганда минимал харажатлар билан юқори сифатли ишлаб чиқариш
натижаларини таъминловчи ишлар кетма-кетлиги тушунилади.





4-расм. АТХКС функционал схемаси.

Автосервисларда бажарилган ишларнинг асосий кисми одатда ТХК ва ремонт булиб, улар ишлаб чикариш зоансидага ишчи постларда утказилади. Ундан ташкари таъминлаш тизими, электр жихозлар, аккумулятор, шиномонтаж ва шу каби автомобил кисмларига ТХК ва ремонт ишлари ушбу агрегатлар автомобилдан тушурилгандан сунг кисман ихтисослаштирилган ишлаб чикариш зоналарида бажарилади.

Автосервисларда технологик жараёнини ташкил этиш ишлари асосида ишлаб чикариш функционал схемаси жойлашган (4- расм). Бунга асосан АТХКС га ТХ ва ремонт учун келган автомобиллар аввало ювиш-тозалаш ишлари участкасидан утиб, кабул килиш, диагностика постлари оркали ТХ ва жорий ремонт зонасига келади.

АТХКСларда ишлаб чикариш жараёнини рационал ташкил этиш максадида барча постлар маълум индекслар билан белгиланади. Бунда индекснинг биринчи сони постнинг маълум (5- расм) участкага тегишли эканини, иккинчи сон эса пост турини билдиради, яъни:

1- кабул килиш ва эгасига топшириш; 1.3- назорат, кабул килиш ва эгасига топшириш пости;

2- ювиш участкаси; 2.1- ювиш пости (ишчи); 2.3- куритиш пости (ёрдамчи);

3- диагностика участкаси; 3.4- тормоз текшириш ишчи пости; 3.5- гилдиракни урнатиш бурчагини текшириш ва созлаш ишчи пости ; 3.6- двигателни текшириш ишчи пости.

4- ТХК участкаси; 4.0- кутиш автомобил- жойи; 4.1- ТХК ишчи пости стационар кутариш механизми билан; 4.1- ерда ТХК ишчи пости;

5- жорий ремонт пости; 5.0- кутиш автомобил-жойи; 5.1- кутариш стационар механизми булган жорий ремонт пости.

6- мойлаш участкаси; 6.0- кутиш автомобил-жойи; 6.1- стационар кутариш механизми булган ишчи пости.

7- аккумулятор батарейкаларини ремонт ва зарядка килиш участкаси; 7.0- кутиш автомобил-жойи;

8- электр жихозларини ремонт килиш участкаси; 8.0- кутиш автомобил-жойи;

9- таъминлаш тизими приборларини ремонт килиш участкаси; 9.0- кутиш автомобил-жойи;

10- агрегат-механик участкаси; 10.0- кутиш автомобил-жойи;

11- шиномонтаж участкаси; 11.0- кутиш автомобил-жойи;

12- уриндик-агрегат таъмирлаш участкаси ; 12.1- кутиш автомобил-жойи;

13- кузов участкаси; 13.0- кутиш автомобил-жойи; 13.1-кутариш стационар механизми булган ишчи пости. 13.2- ерда иш бажариш пости;

14- буяш участкаси; 14.1- кутариш стационар механизми булган ишчи пости. 14.2- ерда иш бажариш пости; 14.3- ёрдамчи пости;

15- сотув олди ТХК пости.

Санаб утилган участка ва постлар схемаси 5-расмда берилган.

АТХКС га ТХ ва ремонт учун автомобиллар ювиш пости оркали, қабул постига утади, бу ерда автомобилнинг техник ҳолати, бажарилган ишлар ҳажми ва нархи аниқланади. Агар АТХКС оркали автомобиллар сотилса, келган янги автомобиллар сотув олди постига киритилиб, ундан дуконнинг саклаш зонасига утказилади.

Автомобилларни ТХК ва ремонтга қабул қилинганда ва эгасига топширилган пайтда "Аҳолига тегишли автомобиллари ТХК қабул қилиш ва чиқариш техник талаблари" га амал қилиш шарт.

Автомобилларни қабул қилиш ёки диагностика пайтида ҳаракат хавфсизлигига таъсир этувчи бузуқликлар топилса улар ҳақида автомобиль эгасига айтилади ва унинг розилиги билан топилган бузуқликлар бартараф этилади. Мабодо, автомобиль эгаси бунга рози бўлмаса, аниқланган бузуқликлар ҳақида нарядни буюртмага "автомобил носоз ҳолатда, фойдаланиш мумкин эмас" деб ёзиб қўйилади.

Автомобил қабул қилинганидан сунг, керакли ишлаб чиқариш зонасига юборилади. Агар бу постлар банд бўлса, автомобиль қўтиш ёки сақлаш зонасига олиб утилади, ундан банд бўлган постлар бушатилиши борасида керакли постларга олиб утилади. ТХК ишлари тугалландан сунг автомобиль эгасига қайтариш постига олиб келинади.

Автомобил эгасига топширилиши олдида техник назоратдан ўтиши керак. Бунда бажарилган ТХК ва ремонт ишларининг бажарилиш сифати текширилади. Назорат пайтида топилган камчиликлар бартараф этилади. Бажарилган ТХК ва ремонт ишларининг сифатига қўфлат муддатлари урнатилади. Бу муддатлар қўйидагилардан иборат: ТХК- 10 кун; жорий ремонт- 30 кун; кузовларни бўяш- 6 ой.

ТХК ва ремонт участкалари ўзларининг ишчи постлари билан асосий ишчи постлар ҳисобланади. Таъминлаш тизими, электр жиҳозлар, аккумулятор батарея ва шу каби агрегатларни ремонт қилишга ихтисослаштирилган постлар ёрдамчи участкалар дейилади. Улар асосий постлар ишини таъминлаш учун хизмат қилади.

Ушбу ишлар билан бир қаторда АТХКС қўфлат муддатида аниқланган бузуқлик ва дефектларни бепул бартараф қилади, албатта, бу ҳолда автомобиль эгаси инструкция қоидаларини тула бажарган бўлиши керак.

АТХКС ва автосервис корхоналари фаолиятини амалга оширишда куйидаги асосий хужжатлар асос бўлиб хизмат килади (Шуни таъкидлаш керакки, ҳозирги кунларгача Республикада куп эски хужжатлардан фойдаланилмокда).

ГОСТ 25478- 82 автомобили грузовые, легковые, автобусы, автопоезда. Требования безопасности к технический состоянию. Методы проверки.

ОСТ 37. 001.082-82 Подготовка предпродажного осмотра легковых автомобилей.

Ту 37.001.1131- 83. Приемка, ремонт и выпуск из ремонта кузовов, и кузовных деталей легковых автомобилей на предприятиях автотехобслуживания.

- АТХК корхоналарининг иш сифатини белгиловчи стандартлари;
- Аҳолига тегишли енгил автомобилларни ТХ ва ремонтдан утказиш йурикномаси.
- Аҳолига тегишли енгил автомобилларга кафолатли хизмат курсатиш йурикномаси.
- Техник хизмат, ремонт ва эҳтиёт қисмлар нархини аниқлаш прејскурантлари. Шу прејскурантларга қушимчалар. Бозор иқтисодиёти муносабати билан бу прејскурантлар маълум муддатларда янгилаб турилади;
- автомобилларни ремонт қилиш курсатмалари;
- автомобилларни эксплуатация қилиш инструкцияси;
- енгил автомобиллар сервис дафтарчаси;
- эҳтиёт қисмлар катологлари;
- автосервис корхоналарида бажарадиган ишлар руйхати;

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. АТХКС да ишлаб чиқариш технологик жараёнини рационал ташкил этиш нима?

2. Ишлаб чикариш функционал схемасини тушунтиринг.
3. АТХКС да кандай участкалар мавжуд?
4. АТХКС да иш ташкил этиш жараёнини тушунтиринг.
5. Автосервис фаолиятини белгиловчи меъёрий хужжатларни айтинг.
6. Автомобилни кабул килиш ва эгасига топшириш тартиби?
7. Автомобилларни эксплуатация килиш инструкциясида нималар келтирилган.
8. Автомобилларни ремонт килиш буйича курсатмалар.
9. Ўзбекистон Республикаси автомобиль транспорти ҳаракат таркибига техник хизмат курсатиш ва таъмирлаш тугрисида Низом.
10. Низомда келтирилган ТХК ва ремонт коэффициентлари.

Фойдаланиш учун адабиётлар.

1. Напольский М. Технологическое проектирование автотранспортных предприятий и станций технического обслуживания. М.: Транспорт, 1985 г.
2. Ханс Виссела. Менеджмент в подразделениях фирмы. М.: Инфра-М, 1996 г.
3. Фастовцев Г.Ф. Организация технического обслуживания и ремонта легковых автомобилей. М.: Транспорт, 1989, 239 с.
4. Крамаренко Г.В, Бараликов И.В. Технологическое обслуживания автомобилей М. Транспорт, 1982 - 368 с.
5. Хлявич А.И. Обслуживание автомобилей населения. М.:Транспорт,1990 - 238с.
6. Афанасьев.Л.А и др. Гаражи и станции технического обслуживания автомобилей. М.: Транспорт 1982-238с.
7. Кузнецов Е.С., Курников И.П, Производственная база автомобильного транспорта. М., Транспорт. 1988г.
8. Развитие автосервиса М.1990 (ежегодная обзорная информация)
9. Руководство по организации работ на СТО УзДЕУ - авто КО.Андижан, УзДЕУавто 1999 - 128с.

10. Крамаренко Г.В ва бошқалар. автомобиллар техник эксплуатацияси
Тошкент, Укитувчи, 1994-220 б.
11. Ўзбекистон Республикаси автомобиль транспорти ҳаракат таркибига техник
хизмат курсатиш ва таъмирлаш тугрисида Низом. Тошкент, 1999-196б.
12. www.automobilemag.com
13. www.auto.com
14. www.motortrend.com
15. www.autobild.de
16. www.automechanic.ru
17. www.autonews.ru
18. www.motor.ru
19. www.zr.ru

8. Мавзу: Автомобилларни ремонт қилиш ишларини ташкил этиш.

Режа:

- 1. Ремонт ҳақида тушунча.**
- 2. Ремонт постларини умумий, махсус ва ихтисослашган постлар.**
- 3. Ремонт ишларининг индивидуал (якка) ва агрегат-бирирма усуллари.**
- 4. Автомобиль деталларини қайта тиклаш усуллари.**

Автомобиль маълум масофа босиб ўтгандан кейин унинг баъзи деталлари ейилиш, чарчаш ёки деформацияланиш натижасида ёки йул транспорт ходисаси туфайли ишдан чиқади. Оқибатда автомобиль эксплуатацияга яроқсиз бўлиб қолади. Автомобиль ишлаш қобилиятини қайта тиклаш учун уни ремонт қилинади.

Ремонт деганда, деталлар ейилиши ёки шикастланиши натижасида автомобиль йукотган ишлаш қобилиятини ўшбу деталларни қайта тиклаш ёки алмаштириш орқали тиклаш жараёни тушунилади.

Ремонт ишларининг бир неча турлари мавжуд, булар: автомобилнинг умумий, яъни капитал ремонти (КР); жорий ремонт(ЖР); профилактик ремонт(ПР).

Автомобиль маълум масофа босиб утиши ва эскириши натижасида йукотган ишлаш кобилиятини кайта тиклаш учун КР утказилади. КР шу мақсадда барпо этилган махсус ремонт заводларида бажарилади. КРгача босиб утиладиган масофа меъёри автомобиль заводи томонидан урнатилиб, автомобиль шу масофани босиб утгандан сунг КР бажарилади. КР натижасида ремонт килинган автомобилнинг 80 % ишлаш кобилияти кайта тикланади. Лекин шунга карамай, ҳозирги кунларда КР ишларини бажариш таннархи баланд булганлиги туфайли КР бажарилмай колди ва авторемонт заводлари бошка турдаги фаолиятга утказилмокда. Профилактик ремонт деганда автомобиль маълум масофа босиб утгандан сунг ундаги бузуклик пайдо булиши мумкин булган деталь олдиндан алмаштирилиши ёки деталнинг ишлаш кобилияти кайта тикланиб урнига яна кайтариб куйиш жараёни тушунилади. Бунда детал ишдан чикмасдан олдин алмаштирилади ёки ишлаш кобилияти кайта тикланиб урнига куйилади.

Жорий ремонт деганда эксплуатация даврида кутилмаган ҳолатларда пайдо булган бузукликларни, бузилган деталларни алмаштириш ёки кайта тиклаб урнига куйиш оркали бартараф этиш ва автомобилнинг ишлаш кобилиятини кайта тиклаш жараёни тушунилади. Жорий ремонт куп ҳолатларда автомобилда бузуклик пайдо булганда, автомобиль эгасининг талаби асосида бажарилади. ЖР асосан АТХКС ишлаб чиқариш участкаси ремонт постларида бажарилади.

Аҳоли енгил автомобилларининг АТХКС да утказиладиган ремонт ишлари технологик жараёни куйидаги ишларни уз ичига олади: бузилган деталь ёки агрегатни автомобилдан ечиш, уни қисмларга ажратиш, дефектовка қилиш, чилангарлик, буяш, йиғиш ва обкатка қилиш.

Ремонт ишлари хажми ремонт ишлари нисбий меҳнат сигими нормалари оркали аникланади. Ремонт ишлари меҳнат сигими нормалари маълум шароит учун ишлаб чиқилганлиги туфайли автомобиль ишлатилаётган шароит ҳисобидан коррективка қилиш оркали аникланади. Бу меъёр курсаткичлар "Аҳолига тегишли енгил автомобилларни ТХ ва ремонт утқизиш йуриқномаси" асосида белгиланади.

АТХКС да бажарилаётган ремонт ишларини икки хилга ажратиш мумкин:

1. Автомобилнинг узида бажарилган;
2. Агрегат участкаларда бажарилган;

Автомобиль устида бажарилган ремонт айрим детал ва узелларни қисмларга ажратиш ва йиғиш, чилангарлик, мисгарлик-пайвандлаш, қотириш, сошлаш ва автомобиль қисмларини ечмасдан буяш ишларини уз ичига олади. Қолган ишлар ишлаб чиқариш зонасининг турли постларига тақсимланади. Жорий ремонт ишлари қуйидаги тартибда бажарилади: ювилган автомобиль ремонт участкасининг ишчи постига қуйилади. Бажариладиган ремонт ишлари тури ва хажмига қараб автомобиль қисмларга тула ҳолда ёки қисман ажратилади. Бу ишлар қеракли асбоб ва жиҳозлар ёрдамида бажарилади.

Автомобилдан чиқариб олинган деталь ёки агрегат ишлаб чиқариш участкасининг қеракли бўлимларига келтирилади ва шу ерда ремонт қилинади. Ремонт қилинган агрегат яна автомобилга маҳкамланади. Ремонтдан чиққан агрегат ёки деталнинг техник соҳ ҳолати техник талабларга тула жавоб бериши қерак. Бунинг учун ремонтдан келган автомобиль қисмлари техник назоратдан утқизилади. Автомобилга қайта йиғиш учун келтирилган деталь ва узеллар ва маҳкамловчи деталлар завод ишлаб чиқарган моделларга мос қелиши қерак. Йиғиш учун қелаётган қисмлар олдиндан комплектовка қилиниб, ювилади ва қурилади.

Ремонтдан сунг йигилган автомобиль ва унинг қисмлари ишлаш қобилиятининг тикланганлик даражасини аниқлаш, ремонт қамчиликларини топиш учун синовдан утказилади.

Автосервис станцияларида ремонт ишлари бажариладиган постлар икки хил бўлади: универсал ва ихтисослаштирилган.

Универсал постларда ремонт ишлари бажариш ташкил этилганда белгиланган барча ишлар ҳажми битта ишчилар бригадаси орқали амалга оширилади. Бундай бригадада барча турдаги мутахассислар мавжуд бўлиб, улар юқори малакага эга бўладилар.

Универсал постлар икки хил бўлади: берк ва осик постлар. Ремонт постлари асосан берк ҳолда бўлади, ювиш ишлари эса очик постларда бажарилади.

Универсал постлар ремонт ишларини ташкил этиш узининг қамчилик ва афзалликларига эга. Афзаллиги - бундай постларда турли хилдаги ишларни бажариш имкониятининг мавжудлиги. Қамчилиги- автомобиль ремонт қилиш учун қуп вақт кетиши ва ҳар бир постда ухшаш жихозлар борлигидир.

Ихтисослашган постларда ремонт ишлари ташкил этилганда барча ишлар ҳажми бир неча постларга тақсимланиб, ишлар ана шу постларда бажарилади. Бундай ишчи постлар керакли ихтисослашган жихозлар билан таъминланади, ишчилар эса маълум турдаги иш бажариш учун ихтисослашади. Бир қатор АТХКС ларда автомобилларни мойлаш ва диагностика қилиш ишларин ихтисослашган постларда бажарилади. Ихтисослашган постларда иш бажариш оқим қаторли ёки операция постлари усуллари ёрдамида ташкил этилади.

Оқим қаторли усул билан иш ташкил этилганда ҳар бир турда ремонт ишлари бир неча қетма-қет жойлашган постларга тақсимланиб, ҳар бир постда иш бажариш учун ихтисослашган ишчи бириктирилади. Бундай постлар йигиндиси оқим қаторли постларни ташкил этади. Бундай усулни йирик АТХКС (ишчи постлари 50 дан юқори) қорхоналарида техник хизмат ишларини бажариш учун қуллаш мақсадга мувофиқдир.

Операция-постлари усулида ҳам бажарилган барча ТХ ишлари хажми бир неча постларга таксимланади. Бир постда иш бажарилгандан сунг автомобиль иккинчи постга олиб утилади. Бу усул ҳам ТХ ишлар учун кулланилиши мумкин.

АТХКС ларда ремонт икки хил услуб билан амалга оширилади: агрегат ва индивидуал (якка тартибда).

Агрегат усулида ремонт килишида автомобилнинг бузилган кисми урнига айланма агрегат фондидан олинган соз кисм, ёки янги агрегат билан алмаштириб куйилади. Бу усул анча прогрессив булиб, автомобилнинг ремонтда туриш вақтини кискартириш имкониятини яратади. Бу усулни куллаш учун АТХКС да айланма агрегат фонди етарли захира хажмига эга булиши керак.

Индивидуал (якка) усулда ремонт ишлари бажарилганда ремонт килинган агрегат яна уша автомобилга кайтариб куйилади. Бу усулда ремонт ишлари бажарилганда автомобилнинг ремонтда туриш вақти чузилиб кетиши мумкин.

Йирик АТХКС ларда, ТХ ва ЖР ишларидан ташкари автомобиль агрегатларини капитал ремонт килиш ишлари ҳам бажарилиши мумкин. Агрегатларни КР килиш купинча индивидуал тартибда амалга оширилади. Шу билан бир каторда йирик АТХКСларда автомобиль деталларини кайта тиклаш ишлари ҳам бажарилади. Кайта тиклаш учун асосан куйидаги деталлар қабул килинади: автомобиль кузови; таксимлаш вали; тирсакли вал; цилиндр гильзалари; клапанлар; тормоз барабанлари ва тормоз усткопламалари.

Деталь ва кисмларни кайта тиклаш бир неча усуллар билан амалга оширилади. Кайси бир усулни танлаш ремонт килинаётган деталнинг ейилганлик даражаси, бажараётган вазифаси, тайёрланган материали, конструкцияси ва шу каби хусусиятларига караб белгиланади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.

1. Ремонт нима ?
2. АТВ ремонти неча хил булади ?
3. Жорий ремонт кандай тартибда бажарилади ?
4. Ремонт ишлари кандай усуллар билан ташкил этилади ?
5. Кандай ремонт постлари мавжуд ?
6. Кайси автомобиль кисм ва деталлари кайта тикланиши мақсадга мувофиқ?
7. Капитал ремонтни хақида тушунтириш.
8. Ремонтнинг агрегат усули?
9. Ремонтни бажариш постлари.
10. Индивидуал усулда ремонт қилишнинг афзалликлари?

Фойдаланиш учун адабиётлар.

1. Напольский М. Технологическое проектирование автотранспортных предприятий и станций технического обслуживания. М.: Транспорт, 1985 г.
2. Ханс Виссела. Менеджмент в подразделениях фирмы. М.: Инфра-М, 1996 г.
3. Фастовцев Г.Ф. Организация технического обслуживания и ремонта легковых автомобилей. М.: Транспорт, 1989, 239 с.
4. Крамаренко Г.В, Бараликов И.В. Технологическое обслуживание автомобилей М. Транспорт, 1982 - 368 с.
5. Хлявич А.И. Обслуживание автомобилей населения. М.: Транспорт, 1990 - 238с.
6. Афанасьев.Л.А и др. Гаражи и станции технического обслуживания автомобилей. М.: Транспорт 1982-238с.
7. Кузнецов Е.С., Курников И.П, Производственная база автомобильного транспорта. М., Транспорт. 1988г.
8. Развитие автосервиса М.1990 (ежегодная обзорная информация)
9. Руководство по организации работ на СТО УзДЕУ - авто КО.Андижан, УзДЕУавто 1999 - 128с.

10. Крамаренко Г.В ва бошқалар. автомобиллар техник эксплуатацияси
Тошкент, Укитувчи, 1994-220б
11. Ўзбекистон Республикаси автомобиль транспорти ҳаракат таркибига техник
хизмат курсатиш ва таъмирлаш тугрисида Низом. Тошкент, 1999-196б.
12. www.automobilemag.com
13. www.auto.com
14. www.motortrend.com
15. www.autobild.de
16. www.automechanic.ru
17. www.autonews.ru
18. www.motor.ru
19. www.zr.ru

9. Мавзу: АТХКС да автомобиллар диагностикасини ташкил этиш асослари

Режа:

- 1. Диагностиканинг вазифаси.**
- 2. Диагностика турлари, қабул қилишдаги диагностика, технологик,
назорат диагностикалари.**
- 3. Диагностика ишларни ташкил этиш.**
- 4. Диагностика ишларни бажариш восита ва усуллари .**

АТХКС да автомобилларни ТХ ва ремонт ишлари ҳажми ва турларини, автомобилдаги ички носозликлар, автомобилларни қисмларга ажратмасдан аниқлаш тадбирларидан бири диагностика ишларидир.

Диагностика деганда, автомобиль ва унинг агрегатлари техник ҳолатини маълум аниқлик билан ва автомобилни қисмларга ажратмасдан аниқлаш жараёни тушунилади. Диагностика автомобилларини АТХКСга қабул қилиш, ТХ ва ремонт ишлари технологик жараёнинг таркибий қисми ҳисобланади.

АТХКС да автомобилларни диагностика килиш ишларининг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:


- автомобилнинг умумий техник ҳолатини аниклаш;
- автомобиль буюртма - нарядида курсатилган, автомобилни қабул килиш пайтида, ТХК ва ремонт килиш мобайнида аникланган бузуклик ва ишламай қолиш ҳолатларини текшириш ва аниклаш;
- автомобилнинг техник ҳолати тугрисида ТХ ва ремонт ишларининг технология рационал ташкил этиш учун маълумотлар бериш;
- автомобилнинг давлат техник куригига тайёрлик ҳолатини аниклаш;
- бажарилган ТХ ва ремонт ишлари сифатини аниклаш.

Ушбу вазифаларнинг бажарилиш сифати учун АТХКС бош инженери маъсул бўлади. Эксплуатация шароитида бузукликка учраган автомобиль турли хил товушлар чиқариб ишлайди, яъни шовкин, тебраниш, силкиниш, автомобиль ишлашида функционал узгаришлар билан ишлайди. Бузукликлар билан биргаликда вужудга келадиган бундай шовкин ва узгаришлар диагностика параметрлар бўлиб хизмат килиши мумкин. Диагностика параметрлари орқали у ёки бу агрегат ёки деталнинг иш қобилияти аникланади (6- расм).

АТХКС амалиётида куйидаги қуринишдаги диагностика турлари қулланилади:

- комплекслашган диагностика, яъни автомобилнинг барча параметрларини қулланилаётган жихоз имкониятларни чегарасида текшириб чиқиш.





— - асосий маршрутлар.

..... - эхтимоли бор маршрутлар.

6-расм. Диагностиканинг АТХКС технологик жараёнига бириктирилиш схемаси.

• танлаб диагностика қилиш, яъни автомобиль эгасининг буюртмаси асосида аниқланган бузукликларни текшириш. Бундай усулда диагностика ишлари автомобиль тизимларини текшириш учун қисмларга бўлиб юборилади. Бу ҳолда бажарилиши керак бўлган диагностика ишларини автомобиль эгаси танлаб олади. Ушбу усулни амалда қўллаш учун қулай ва самарали.

Ушбу диагностика усуллари профилактик хусусиятига эга бўлиб асосан автомобилнинг техник ҳолатини аниқлаш учун ишланади. Аммо профилактик текшируви натижасида аниқланган носозликнинг келиб чиқиши сабабларини топиш керак бўлса диагностиканинг махсус усул ва воситалари қўлланилади.

Автосервислар ишлаб чиқариш жараёнида қуйидаги диагностика турлари қўлланилади:

Буюртма диагностикаси- ДЗ АТХКСларда купрок тарқалган бўлиб, автомобиль эгасининг буюртмасига асосан бажарилади. Ушбу турдаги диагностика ишларини автомобиль эгаси олдида бузукликни аниқрок

текшириш учун утказиш мақсадга мувофиқдир. Буюртма диагностика асосан диагностика постларида ёки махсуслаштирилган алохида постларда утказилади. (Масалан, автомобиль гилдиракларини урнатиш бурчаги ёки балансировка килиш). Баъзи ҳолларда шу ернинг узида

узида автомобилда пайдо бўлган кичик носозликлар бартараф этилади, масалан двигатель свечасини алмаштириш, карбюраторни созлаш ва шу кабилар). Бу турдаги диагностика хизматининг охирида диагностика картаси тузилади ва унга диагностика пайтида олинган натижалар езилиб, уларни бартараф этиш тавсиялари берилади.

Автомобиллар АТХКС га қабул килиш пайтидаги диагностика, Дп қабул килиш вақтида автомобилнинг техник ҳолатини, бажарган ишлар ҳажмини аниқлаш учун хизмат килади. Бунда асосий курсатмалар автомобиль эгасининг буюртмаларидан олинади. Лекин баъзи ҳолларда 15-20% автомобилларга чуқуррок диагностика килиш зарурияти пайдо бўлиб қолади, бунда автомобиль диагности участкага ёки, агар бузукликни автомобиль агрегатларини қисмларга ажратиб аниқлашнинг иложи бўлмаса, ТХК ва ремонт зонасига юборилади. Дп - турдаги диагностикада автомобилнинг ишлаб чиқариш участкаларидаги йуналишлари диагностикадан утказди.

Автомобиллар - ТХК ва ремонт пайтида диагностика килиш Др.Бундай диагностика ёрдамида назорат - созлаш ишларини бажариш ва буюртмада берилган ишларнинг қушимча ҳажмини аниқлаб олинади.Др диагностика натижасига қура қушимча ишлар бажариш, технологик маршрутни узгартиришга тугри келиб қолади. ТХ ва ремонт зоналарида Др диагностика бажариш воситалари бўлмаса, бу ишлар ихтисослашган диагностика постларида бажарилиши мумин.

Назорат диагностика Дн автомобилга АТХКС да утказиладиган ТХК ва ремонт ишларининг бажарилиши сифатини баҳолаш мақсадида утказилади.

Замонавий диагностика асбоб усқуналар енгил автомобилнинг жуда қуп параметрларини аниқлаш имкониятларига эга. Лекин бу приборларнинг

барчасини назорат диагностикасида куллаш моддий жихатдан мақсадга мувофиқ эмас. Шунинг учун бир катор параметрлар АТХКС диагностика постларида бажарилиш ҳам мумкин. Масалан автомобилнинг юриш қисми, двигатель, тормоз ва тортиш сифатлари юриш барабанли стенди орқали назорат қилинади.

Назорат диагностикаси пайтида бажарилган ТХ ва ремонт ишларининг сифатини аниқлашда комплекс диагностик параметрларини назорат қилиши аниқ натижалар олиш имкониятини беради. Масалан ёндириш тизими назорат қилинганда унинг туртта параметрлари текширилиши керак, яъни

-) бирламчи ва иккиламчи занжирларнинг иш жараёни осциллограммаси;
-) ёндириш свечаларидаги ёриб утиш, кучланиш;
-) узгичнинг берк ҳолатидаги контакт бурчаги;
-) ёнишнинг илгарилаш бурчаги.

Бундан кам диагностик параметрларни текшириш бажарилган ТХ ва ремонт ишлари сифати ҳақида тула ва аниқ маълумот бера олмайди.

АТХКС да диагностика қилиш ишлари қуйидагича ташкил этилади. Автомобилларни диагностика қилиш ишларининг асосий қисми, айниқса Дз диагностикаси, ихтисослаштирилган участкада бажарилади. Дп ва Дк ишларининг махсус стенд жихоз талаб қилинмайдиган қисми қабул қилиш, эгасига топшириш участкасида бажарилиш мумкин. Др диагностикаси ТХ ва ремонт ишлари билан биргаликда бажарилади, яъни двигатель, электр жихозлар, юриш қисмига ТХ ва ремонт ишлари пайтида бажарилади. Шунга кура АТХКС ихтисослашган диагностика участкасида автомобиль эгасининг буюртмасига боғлиқ бўлган барча ишларни бажарилиб, ундан ташқари, қабул қилиш, топшириш назорат, ТХ ва ремонт участкаларига ҳам ёрдам беради. АТХКСнинг ихтисослашган диагностика участкаси зарур бўлган барча диагностика асбоб ускуналари билан жихозланган бўлиши керак, яъни автомобилнинг тортиш қобилиятини текшириш, тормоз, амортизатор, гилдиракларнинг урнатилиш бурчагини улчаш, ёкилги сарфини ҳисоблаш,

стендлари, мотор-тестер, кутариш механизми ҳамда руль механизми ҳамда фараларни текшириш приборлари мавжуд булиши керак.

Ишчи постлари 50 тагача булган АТХКСларда иш унумдорлигини ошириш мақсадида асбоб-ускуналар иккита постга жойланиши яхши самара беради. Бу постлар ихтисослашган булиб, уларнинг биринчисида автомобилнинг тортиш-иктисодий курсаткичларини, двигатель, электр жихозлари, трансмиссия қисмларини текширилса, иккинчисида автомобиль тормозлари, ёритиш, сигнал бериш приборлари, гилдираклар баансировкаси ва шу қабиларни текшириш жихозлари урнатилади (7-расм).

Диагностика постларида боши берк ёки очик булиши мумкин. Бу постлар иш бажариши усулига қура универсал, ихтисослашган ёки комбинациялашган булиши мумкин.

Диагностика постларида майда бузукликларни бартараф этиш ишлари бажарилиш мумкин, қачонки ушбу бузукликлар бартараф этилмагунча диагностика ишлари бажариш мумкин. булмаса.

Ишчи постлари 50 тадан 100 тагача булган йирик АТХКС ларда диагностика ишлари учта параллел ёки кетма-кет жойлашган постларда бажарилади. Унда қуйидагича диагностика ишлари бажарилади: автомобилнинг тортиш-иктисодий курсаткичларини текшириш, двигатель трансмиссия, рул бошқармаси, тормозлар, фаралар, гилдиракларни баансировка қилиш ва шу қабилар. ТХ ва ремонт ишларининг бажарилиш сифатини текшириш учун автомобиль эгасига қайтариш зонасида алоҳида назорат диагностика пости ташкил этилади.

"Автосервис ТХКСларида енгил автомобилларга диагностикани ташкил этиш" қулланмасига асосан назорат пайтида қуйидаги ишлар бажарилади: бошқарилувчи гилдиракнинг ҳолати, гилдиракларни урнатиш бурчаги текширилади; двигатель, тормоз тизими, автомобилнинг тортиш - иктисодий курсаткичлари текширилади; фараларнинг урнатилиш, чирокларнинг ёритиш

кучи, амортизатор, руль бошкармаси, ишлаб чиқарилган газлар таркибидаги захарли углерод оксидлари миқдори улчаб курилади.

Бу ишларни бажариш кетма-кетлиги ишларни ташкил этиш технологиясига асосан белгиланади. Масалан, автомобилнинг тортиш иктисодий курсаткичларини стенда текширишдан аввал тормоз ва гилдиракларнинг балансировкаси текширилади.

Диагностиканинг ихтисослашган ва бошқа постларига назорат килиш, улчаш асбоб ва жихозларни ташлаш Давлат стандартлари ва бошқа техник меъёрий хужжатлар асосида танлаб олинади. Танланган жихозларнинг асосий қисми ихтисослаштирилган постларга урнатилади ва улар Дз турдаги диагностика ишларини бажаришда қулланилади. Дп, Др ва Дк турдаги диагностика ишларини бажаришда кичик улчамли, енгил қучириб юришга мослашган махсус приборлар ишлатилади, Дз диагностикаси учун эса стационар (қучмас) универсал жихозлар ишлатилади.

Диагностика усуллари классификация белгиларига қараб қуйидагиларга бўлинади: субъектив ва объектив.

Диагностиканинг субъектив усулларига қура автомобилнинг техник ҳолатини баҳолаш диагностика ишларини бажарувчи мутахассиснинг тажрибаси, қуриш, эшитиш, фикрлаш қобилиятлари асосида олинган маълумотларни таҳлил этиш асосида амалга оширилади.

Объектив баҳолаш усулида автомобилнинг техник ҳолати махсус стендлар, асбоб-ускунлар ёрдамида бажарилади.

Автомобилнинг тортиш-иктисодий ва қувват курсаткичлари махсус айланиш барабанлари бўлган қучмас стенда бажарилади. АТХКСларда энг кенг тарқалган тормоз барабанлари К-;М.

Автомобилдаги ишламай қолиш ҳолати ва бузукликларни топиш ва уларнинг олдини олиш учун қучмас жихозлар ва турли приборлар ишлатилади. Улар ёрдамида электр жихозларнинг ишлаш ҳолати, газлар таркиби-газоанализаторлари ёрдамида аниқланади, газ тақсимлаш механизми ва

кривошип-шатун механизми деталларининг ҳолати махсус кучмас стендлар билан улчанади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.

1. Дидиғностиканинг асосий вазифаси нима?
2. Комплекс ва танлаб дидиғностика килиш усуллари ни тушунтиринг.
3. Дидиғностиканинг АТХКСда кулланиладиган кандай турлари бор?
4. Дидиғностиканинг АТХКС ишлаб чиқариш технологиясига бириктирилиш схемасини тушунтиринг.
5. Дидиғностика ишлари кандай ташкил этилади?
6. Дидиғностика килиш усуллари ва воситаларини тушунтиринг.
7. Дидиғностика ишлари кандай постларда бажарилади?
8. Дидиғностика кандай норматив ҳужжатларга асосланиб олиб борилади?
9. Дидиғностика участкалари?
10. Дидиғнозлов курилмалари?

Ғойдаланиш учун адабиётлар.

1. Напольский М. Технологическое проектирование автотранспортных предприятий и станций технического обслуживания. М.: Транспорт, 1985 г.
2. Ханс Виссела. Менеджмент в подразделениях фирмы. М.: Инфра-М, 1996 г.
3. Фастовцев Г.Ф. Организация технического обслуживания и ремонта легковых автомобилей. М.: Транспорт, 1989, 239 с.
4. Хлявич А.И. Обслуживание автомобилей населения. М.: Транспорт, 1990 - 238с.
5. Афанасьев.Л.А и др. Гаражи и станции технического обслуживания автомобилей. М.: Транспорт 1982-238с.
6. Кузнецов Е.С., Курников И.П, Производственная база автомобильного транспорта. М., Транспорт. 1988г.
7. Развитие автосервиса М.1990 (ежегодная обзорная информация)

8. Руководство по организации работ на СТО УзДЕУ - авто КО.Андижан, УзДЕУавто 1999 - 128с.
9. Узбекистон Республикаси автомобиль транспорти ҳаракат таркибига техник хизмат курсатиш ва таъмирлаш тугрисида Низом. Тошкент, 1999-196б.
- 10.www.automobilemag.com
- 11.www.auto.com
- 12.www.motortrend.com
- 13.www.autobild.de
- 14.www.automechanic.ru
- 15.www.autonews.ru
- 16.www.motor.ru
- 17.www.zr.ru

10. Мавзу: Чет эл автосервислари.

Режа:

Чет элда транспорт оқими ва автосервислар.

Мустақил автосервис станциялари салмоғи.

Автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчалари (АЁҚШ).

Умумий йуналишдаги АТХКС.

Тезкор хизмат станциялари.

Ривожланган давлатларда аҳоли автомобиллари сонининг ортиб кетиши, уз-уздан автосервис хизматиға булган талаб ва турли хил қуринишидаги хизматлари қупайишиға сабаб булади. Ривожланган ва турли тармоқларға эға булган техник хизмат курсатиш ва ремонт тизимиға эға булган автосервислар ташкил этиш жаҳон бозорида мустаҳкам урин эгаллаш учун асос яратади.

Чет эллардаги асосий принциплардан бири "Махсулотни ким яратса, уша унга хизмат курсатади" деган қоидаға амал қилишдир. Шундай булса ҳам хизмат курсатиш ишларига бошқа ташкилот ва фирмалар ҳам жалб этилиши

мумкиш. Лекин махсулотнинг кафолат муддати ичида унга техник хизмат курсатиш ва махсулот сифатига жавоб бериш ишлаб чиқарувчи ташкилот зиммасида бўлади.

Чет элларда аҳолига қарашли автомобилларга уларнинг эксплуатацияси даврида барча автосервис хизматлари хизмат курсатувчи фирмалар томонидан бажарилади.

Маълумотларга қура, ривожланган давлатларда АТХКС ва автосервислар турли хил хизмат курсатишга қаратилган бўлиб, уларнинг сони қуйидагичадир: Францияда 14.7 млн автомобиллар парки учун 47 минг та, Германияда 16.7 млн автомобиль учун 20 минг та, Англияда 13.9 млн. АТВ учун 35 минг та, АКШ даги 115 млн. автомобиллар парки учун 570 мингга яқин автомобилларга хизмат курсатиш билан боғлиқ корхоналар мавжуд, булардан 216,1 мингтаси автомобилларга ёкилги қуйиш шаҳобчалари, 91.2 мингтаси автомобилларни сотиш ва уларга хизмат курсатувчи диллерлик пунктлари, 109.9 мингтаси - ТХКС ва ремонт устaxonалари, 87.1 мингтаси- автотурар ва сақлаш жойлари корхоналари, ижарага бериш пунктлари, мотеллар ва бошқалар, 65.7 мингтаси- автосақлаш ва улгуржа (оптовый) сотиш корхоналари мавжуд.

Автосервис корхоналари автомобиль ишлаб чиқарувчи заводларга ёки фирмаларга ҳам молиявий, ҳам бошқаруви жиҳатидан бўйсунган бўлиши ёки мустақил ҳолда фаолият курсатиши мумкин.

Автомобиль ишлаб чиқарувчи заводларга тула тобеъ ҳолда фаолият олиб боровчи автосервис корхоналаридан бири, масалан, “Рено”(Франция) фирмаси бутун жаҳон бўйлаб 12000 та АТХКС мавжуд бўлиб булардан 5000 таси Франциянинг узида, қолганлари эса жаҳон бўйлаб тарқалган. Бу корхоналар асосан сотув олди хизмати ва кафолат даврида ТХК ва ремонт ишларини бажарадилар. Кафолат давридан кейинги хизмат курсатиш билан асосан “мустақил” хизмат курсатиш корхоналари шугулланади. Мустақил фаолият олиб боровчи автосервислар миқдори асосий қисмни ташкил этиб, бундай корхоналар АКШ да 60% ни, Японияда 70 % ни ташкил этади. Бундан ташқари

сугурта компанияларига тегишли автосервислар тармоги, ҳамда нефть компанияларининг бир катор АЁКШ лари мавжуд.

Автомобилларга сервис хизмати курсатиш корхоналарининг бир неча турлари мавжуд бўлиб, улар кенг куламдаги функцияларни бажарадилар, яъни: янги автомобилларни ва фойдаланилган, лекин етарли даражада ресурсга эга бўлган автомобилларни сотиш ва сотиб олиш, ёкилги-мойлаш материалларни сотиш, эҳтиёт қисмлар сотиш.

Замонавий автосервислар бир неча функцияларни бажаради, янги ва фойдаланишда бўлган автомобилларни сотиш ва сотиб олиш, ёкилги-мойлаш материалларини сотиш, эҳтиёт қисмлар сотиш, техник хизмат курсатиш, таъмирлаш ва диагностика ишларини бажариш. Бу эса бажарадиган хизмат турлари ва йуналиши бўйича бир канча турдаги станциялар вужудга келишига олиб келди.

Автомобилларга ёнилги қуйиш шахобчаси. Автомобилларга ёнилги қуйиш шахобчалар узининг асосий вазифаси — автомобилларни ёнилги ва мой билан таъминлашдан ташқари, “кичик сервис” хизмати деб аталувчи ишларни ҳам бажаради: шиналарни дамлаш, салонни тозалаш, совутувчи суюқликни тулдириш, баъзи бир эҳтиёт қисмлар билан савдо қилиш. Шунингдек бажариладиган хизматлар ҳажми купрок бўлган автомобилларга ёнилги қуйиш шахобчалар ҳам мавжуд. Чет элларда автомобилларга техник хизмат курсатиш функцияларини бажарувчи автомобилларга ёнилги қуйиш шахобчалари кенг тарқалган. Масалан, автомобилларга ёнилги қуйиш шахобчалари барча техник хизмат курсатиш ва жорий ремонт ишларининг умумий ҳажмининг 16%, автомобилларга ёнилги қуйиш шахобчаларида бажарилади. Яъни автомобилларга ёнилги қуйиш шахобчасидаги 70% автомобилларга ёнилги қуйиш шахобчалари (200 мингдан ортиқ) техник хизмат курсатиш ва жорий ремонт ишларини бажаради.

Умумий хизмат курсатиш станциялари. Бундан турдаги станциялар ишлаб чиқариш фаолиятининг характериға кура республикаимиздаги

АТХКСларга ухшаб кетади. Ушбу станциялар ичида автомобиль сотиш ишларини бажарувчилари ҳам мавжуд булиб, истикболи яхшироқ хисобланади. Бу станциялар фойдаланилган автомобилларни аҳолидан сотиб олиб, уларни ТХК ва ремонт ишлари ёрдамида сифатли холга келтирадилар ва сотадилар. Ушбу станциядан автомобиль сотиб олган харидор фирманинг доимий мижозига айланади ва бир катор имтиёзларга эга булади. Шу туфайли бундай станцияларга булган эътибор алохида урин эгаллайди.

Тезкор хизмат станциялари. Бундай корхоналар асосан регламентда курсатилган техник хизмат курсатиш ишларини бажаришга мулжалланган, яъни бажарилиш вакти (чегаралаб) курсатиб куйилган ишларни бажаради. Масалан, “Пит-стоп” (АКШ) фирмаси станцияларида 12 минут вақт ичида автомобилларни ювиш, мой, ёкилги ва бошқа суюкликлар билан таъминлаш ишлари бажарилади. Бунда ишларни бажариш жараёнини бошқаришда электрон хисоблаш машиналари кулланилиб, “оким” (поток) каторли ишлаб чиқариш тизимлари кулланилади. Бу оким каторли линия бир сменада 150 та автомобилга хизмат курсатади. Бу линияларда курсатилган хизмат нархи, оддий станциялардагига нисбатан 25 % арзон.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.

Чет элларда аҳолининг автомобиллар билан ҳаракат оқими қандай?

Автосервислар аҳамияти ва ташкилий турлари?

Чет эл автосервисларида фирма хизмати?

АЁКШ вазифаси, ташкил этилишини тушунтиринг?

Умумий хизмат курсатиш станциялари?

Тезкор хизмат станциялари?

Чет эллардаги автосервислар ҳақида маълумот.

«Мустакил» ва «тобеъ» автосервислар?

«Махсулотни қим яратса, уша унга хизмат курсатади» принципи?

Фойдаланиш учун адабиётлар.

1. Напольский М. Технологическое проектирование автотранспортных предприятий и станций технического обслуживания. М.: Транспорт, 1985 г.
2. Ханс Виссела. Менеджмент в подразделениях фирмы. М.: Инфра-М, 1996 г.
3. Фастовцев Г.Ф. Организация технического обслуживания и ремонта легковых автомобилей. М.: Транспорт, 1989, 239 с.
4. Крамаренко Г.В, Бараликов И.В. Технологическое обслуживания автомобилей М. Транспорт, 1982 - 368 с.
5. Хлявич А.И. Обслуживание автомобилей населения. М.:Транспорт,1990 - 238с.
6. Афанасьев.Л.А и др. Гаражи и станции технического обслуживания автомобилей. М.: Транспорт 1982-238с.
7. Кузнецов Е.С., Курников И.П, Производственная база автомобильного транспорта. М., Транспорт. 1988г.
8. Развитие автосервиса М.1990 (ежегодная обзорная информация)
9. Руководство по организации работ на СТО УзДЕУ - авто КО.Андижан, УзДЕУавто 1999 - 128с.
- 10.Крамаренко Г.В ва бошқалар. автомобиллар техник эксплуатацияси Тошкент, Укитувчи, 1994-220б
- 11.Узбекистон Республикаси автомобиль транспорти ҳаракат таркибига техник хизмат курсатиш ва таъмирлаш тугрисида Низом. Тошкент, 1999-196б.
- 12.www.automobilemag.com
- 13.www.auto.com
- 14.www.motortrend.com
- 15.www.autobild.de
- 16.www.automechanic.ru
- 17.www.autonews.ru
- 18.www.motor.ru
- 19.www.zr.ru

11. Мавзу: Чет эл автосервислари (давоми).

Режа:

Уз-узига хизмат курсатиш станциялари.

Аварияга учраган автомобиллар станциялари.

Диагностика, ҳаракат хавфсизлиги станциялари.

Ихтисослаштирилган ва кузгалувчан станциялар.

Уз-узига хизмат курсатиш станциялари. Бу турдаги станцияларда автомобиль эгасига уз кучи билан техник хизмат курсатиш ва жорий ремонт ишларини бажариш хохиши билдирса, унга (керакли) ишчи пост ва керакли асбоб-ускуналар (инструментлар) берилади. Бундай хизмат тури автомобиль эгаси учун ТХК ишларини 70-80 % га, ремонт эса 3-4 марта арзон нархда бажариш имкониятини беради. Бу ҳолда станция ишлатилган жихозлар, асбоб-ускуналар, ишлаб чиқариш майдони учун соатбай куринишида ижара хаки олади. Охирги пайтларда бундай турдаги хизмат станциялари ҳам уз рентабеллигини таъминлаб келмокда. Бунга бошқа станцияларда ТХК ва ремонт ишлари бажариш имконияти борлиги сабаб булмокда. Уз-узига хизмат курсатиш станциялари икки хил булиши мумкин: кичик хажмли ТХК ишларини бажариш учун; диагнозлаш жихозларини куллаган ҳолда катта хажмли ТХК ва ремонт ишларини бажариш учун.

Биринчи турдаги станциялар асосан, ювиш-тозалаш ишлари, автомобилларни мойлаш, мойини алмаштириш ишларини бажариш учун мулжалланади. Баъзи станцияларда бу хизматларни бажариш автоматлаштирилган.

Иккинчи турдаги станцияларда автомобилларга эгасининг малакасига кура ТХК ишлари тула хажмда ва ремонт ишлари бажарилиши мумкин.

Аварияга учраган автомобиллар ремонтлари станциялари. Бундай станцияларга аварияга учраган автомобилларни эгасининг хохиши билан

кайтадан тиклаб ремонт килиш учун мулжалланган. Охирги пайтларда аварияга учраган автомобилларни таъмирлаш зарурияти тугилиб шикастланган автомобилларни кайта тиклашнинг эффектив усуллари ва воситалар ишлаб чикилди ва бундай корхоналарнинг рентабель булишига ва мустакил холда ишлай оладиган махсус корхоналарга айланишига замин яратилди. Бундай станциялар асосан жиддий шикастланган кузовларни кайта тиклаш, уларнинг ташки курунишини асли холига келтириш ва автомобилларни ишлаш кобилиятини тиклаш ишларини бажариш учун мулжалланган.

Бундай махсус корхоналарда юкори ишлаб чиқарувчанликка эга жихозлар мавжуд булиб, таъмирлашнинг эффектив усулларида фойдаланилади. Шуларнинг хисобига кучли деформацияланган кузов кисмлари тез ва сифатли холда тугрилаш имкони яратилади.

Автомобилларни техник диагнозов станциялари. Бундай станциялар 1960-йиллар бошида курила бошланди, лекин ривожлана олмаганлиги сабабли хозирги кунларда бундай корхоналар жуда кам учрайди. Бунга сабаб ушбу корхоналар тула юкланмагани учун норентабель булиб чикди. Хозирги пайтда бир катор диагнозов станцияларида диагностика ишларидан ташкари, агрегатларни созлаш ва майда ремонт ишлари хам бажарилади.

Харакат хавфсизлиги станциялари. Автомабилларни харакат хавфсизлигини ташкил этиш тадбирларидан бири сифатида автомобилларни харакат хавфсизлигини таъминловчи узель ва агрегатларни мажбурий равишда текшириш хизмати ташкил этилган. Бундай станциялар микдори куп эмас. Аммо уларда иш олиб бориш жараёни оким каторли линияларида амалга оширилмаган. Бунинг натижасида ХХС лари юкори самарада иш олиб боради. Масалан, Германиядаги 200 га якин ХХСлари мавжуд булиб улар йилига беш миллионтадан ортик автомобилларни бошқарув тизимларини текширади. Бундай корхоналарнинг ишларини янада такомиллаштириш максадида автоматлаштирилган станциялар ривожланмокда.

Ихтисослаштирилган станциялар. Бундай корхоналар техник хизмат курсатиш ёки ремонт ишларининг алохида операцияларини бажаради, яъни: шиналарни кайта тиклаш, трансмиссия, аккумулятор батареяси, двигатель ва бошқалар. Бундай турдаги корхоналар АКШ да кенг тарқалган ва уларни сони 50 мингга яқин, ҳамда уларнинг ярмига яқини автомобиль кузовларини буяш ва таъмирлашга ихтисослашган. Бундай корхоналарнинг бошқа корхоналардан асосий устунлиги тор руйхатдаги ишларни бажаришга мослашган бўлиб, механизациялаш ва юқори ишлаб чиқариш курсаткичига эга бўлган жихозларидан самарали фойдалана олиш имкониятидадир. Ихтисослаштирилган станциялар ҳозирги пайтда Европа давлатларида ҳам кенг тарқалмокда, аммо уларни АКШ даги станциялардан фарқи анча йирикрок ҳамда унчалик тор ихтисослаштирилмаган.

Кузгалувчан станциялар. Бундай станциялар асосан юк автомобиллари шассисига урнатилади.

Кузголувчан станциялар автосервис фирмалари томонидан ташкил этилиб, улар автомобиль эгаларининг талабларига биноан буюртмачининг иш ёки турар жойларида хизмат курсатишга мулжалланган. Бундай хизмат турида хайдовчи универсал мутахассис бўлиб, у ТХК ва ремонт ишларини бажариш билан бир каторда эҳтиёт қисмлар ва автоанжомлар билан савдо қилиш ишлари ҳам олиб боради.

Икки хил кузгалувчан станциялар мавжуд:

-аварияга учраб шикастланган автомобилларга хизмат курсатувчи станциялар,

-автомобиль эгасининг гаражида ёки уйида автомобилларга техник хизмат курсатувчи ва ремонт ишларини бажарувчи станциялар.

Йул бўйидаги станциялар. Бундай корхоналар асосан АЁКШ билан комплекс ҳолда қурилиб, 1-3 постли кичик станциялардир. Йул бўйидаги станциялар шаҳарлараро йулларга жойлаштирилган бўлиб, бир-бирлари билан одатда 50 км масофада ташкил этилади. Қўп ҳолларда ишлаб чиқариш

бинолари билан бир каторда йул буйидаги станцияларда кафе, бар ва магазин хам булади.

Автомобилларга хизмат курсатувчи станциялар куп булишига карамай, уларнинг улчамлари катта эмас. Маълумотларга асосан бундай станциялар улчамлари куйидагича: 45-50% станциялар 3-9 постли, 20-25% - 10дан-19гача, 15-20% -20 дан 35 гача ва 10-15%- 35 тадан ортик постга эга. Бу постларда хизмат курсатиш ишчиларнинг уртача микдори: АКШ да- 4.2 та одам, Францияда-4.5 та одам, Италияда- 5,2 та одамни ташкил этади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.

Уз-узига хизмат курсатиш станциялар фаолиятини тушунтиринг.

Аварияга учраган автомобилларга хизмат курсатиш кандай ташкил этилган?

Чет эл автосервисларида диагностиканинг ахамияти?

Харакат хавфсизлиги станциялари?

Иктисослаштирилган станцияларни тушунтиринг.

Кузгалувчан станцияларни тушунтиринг.

Йул буйидаги станциялар?

АТХКСлар улчамлари?

Автомобилларни техник диагнозлов станциялари?

Фойдаланиш учун адабиётлар.

1. Напольский М. Технологическое проектирование автотранспортных предприятий и станций технического обслуживания. М.: Транспорт, 1985 г.
2. Ханс Виссела. Менеджмент в подразделениях фирмы. М.: Инфра-М, 1996 г.
3. Фастовцев Г.Ф. Организация технического обслуживания и ремонта легковых автомобилей. М.: Транспорт, 1989, 239 с.
4. Крамаренко Г.В, Бараликов И.В. Технологическое обслуживания автомобилей М. Транспорт, 1982 - 368 с.

5. Хлявич А.И. Обслуживание автомобилей населения. М.:Транспорт,1990 - 238с.
6. Афанасьев.Л.А и др. Гаражи и станции технического обслуживание автомобилей. М.: Транспорт 1982-238с.
7. Кузнецов Е.С., Курников И.П, Производственная база автомобильного транспорта. М., Транспорт. 1988г.
8. Развитие автосервиса М.1990 (ежегодная обзорная информация)
9. Руководство по организации работ на СТО УзДЕУ - авто КО.Андижан, УзДЕУавто 1999 - 128с.
- 10.Крамаренко Г.В ва бошкалар. автомобиллар техник эксплуатацияси Тошкент, Укитувчи, 1994-220б
- 11.Узбекистон Республикаси автомобиль транспорти харакат таркибига техник хизмат курсатиш ва таъмирлаш тугрисида Низом. Тошкент, 1999-196б.
- 12.www.automobilemag.com
- 13.www.auto.com
- 14.www.motortrend.com
- 15.www.autobild.de
- 16.www.automechanic.ru
- 17.www.autonews.ru
- 18.www.motor.ru
- 19.www.zr.ru

12. Мавзу: Автосервис корхоналарини эҳтиёт қисмлар ва материаллар билан таъминлаш.

Режа:

- 1. Автосервис корхоналарини эҳтиёт қисмлар ва материаллар билан таъминланганлик ҳолати.**
- 2. Эҳтиёт қисмлар ҳақидаги маълумотларни йиғиш ва урганиш усуллари.**

3. Эҳтиёт қисмлар билан таъминлашни бошқариш тизимлари.

Ҳозирги бозор иқтисодиётга утиш даврида автосервис корхоналарини эҳтиёт қисмлар билан таъминланиш янги истикболли ва самарали усул топиш заруриятини талаб қилмоқда. Чунки аввалги мавжуд булган эҳтиёт қисмлар билан АТХКСларни таъминлаш тизими издан чиқиб, ҳозирги кунларда диллерлик пунктлари, автосервислар, эҳтиёт қисмлар билан савдо қилувчи дуконларнинг таъминланиши талаб даражасида эмас. АТХКСларни марказлаштирилган усул билан эҳтиёт қисмларни тақсимлаш орқали собиқ иттифок республикалари бўйлаб тарқатиш тизими тухтатилган.

Автосервис корхоналари, диллерлик пунктлари ва эҳтиёт қисмлар билан савдо қилувчи дуконларнинг таъминланиши ёмон аҳволда эканлигининг бир қатор сабаблари бор. Буларнинг асосийларидан бири эҳтиёт қисмларининг қайси тури қандай миқдорда зарур эканлиги ҳақидаги маълумотларнинг йуклиги, бор булган кичик маълумотларнинг эса марказлаштирилган ҳолда таҳлил этилмаётганлиги, уларнинг ЭХМ орқали урганилмаганлигидир.

Етакчи автомобиль ишлаб чиқарувчи корхоналар, етакчи автомобиль компаниялари тажрибасини урганиш шуни курсатадики, автосервис корхоналарини эҳтиёт қисмлар билан таъминлашни мунтазам йўлга қуйиш мумкин. Бунинг учун автосервис корхоналарини эҳтиёт қисмлар билан таъминлашни бошқариш ва зарур булган эҳтиёт қисмлар миқдорини таҳлил этиш ва режалаштириш тизимини ташкил этиш зарур.

Бундай тизимни амалга ошириш учун Республика эксплуатация шароитидан келиб чиққан ҳолда автомобилларнинг эксплуатацион ишончлилиқ сифатини урганиш асосида ишдан чиқаётган деталь, узел ва агрегатлар ҳақида ахборотлар йигилиб, уларнинг марказлаштириш, ЭХМ ёрдамида урганиш ва таҳлил этиш, режалаштириш асосларини урнатиш зарур.

Етакчи автомобиль концернлари, бир қатор олимларнинг олиб борган тажрибаларини урганиш шуни курсатадики, эксплуатациядан олинган статистик

маълумотларга асосан барча эҳтиёт қисмларни 3 та А, В ва С ёки Х, У ва Z гуруҳларига бўлиш қабул қилинган. Биринчи усулда гуруҳларга бўлиш эҳтиёт қисмларни сотилиш курсаткичи бўйича амалга оширилади.

А гуруҳи — қиймати бўйича ҳамма сотилаётган эҳтиёт қисмларнинг 70-80 % ташкил этувчи, лекин умумий эҳтиёт қисмлар миқдорининг оз қисмини ташкил этган деталлар.

В гуруҳи — сотиш ҳажмини 10-20 % ташкил этиб, эҳтиёт қисмлар номенклатурасининг 30% миқдоридан озор қисмини ташкил этган деталлар.

С гуруҳи — маҳсулот айланишида 5-10 % ташкил этиб ва эҳтиёт қисмлар номенклатурасининг асосий қисмини ташкил этувчи деталлар (1-жадвал).

Эҳтиёт қисмларни иккинчи усулда гуруҳлаш деталь захирасининг нарҳига қараб олиб борилади, масалан: қандайдир эҳтиёт қисмлар нарҳи автомобиль нарҳининг 2% дан ошқ бўлса — Х гуруҳига, 0.1-2% оралиғида бўлса — У гуруҳига ва нарҳи 0.1% дан арзон бўлса — Z гуруҳига қиритилади (2-жадвал). Иккала усулдан бири танлаб олиниб эҳтиёт қисмларни фоизий нисбати бўйича омборхона таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

1-жадвал

Эҳтиёт қисмларни солиштирма ҳажм бўйича эгаллаган миқдорига қура гуруҳлаш.

Сотилиш даражаси бўйича гуруҳ	Деталь номлари фоизи, (%)	Бир номдаги маҳсулот сотилиш қиймати, (млн. сум)	Маҳсулотнинг айланиш фоизи, (%)
А	12	50 ортик	82
В	19	10 ортик	14
С	69	10 гача	4
	100		100


2-жадвал

Эҳтиёт қисмлар захира ҳажмини қисмлари бўйича гуруҳлаш.


Захира даражаси бўйича	Деталь номлари фоизи,	Бир номдаги эҳтиёт қисмлар учун захира қиймати, (автомобиль қийматига	Захира фоизи, (%)
------------------------	-----------------------	---	-------------------

гурух	(%)	нисбатан фоизларда, %)	
X	9	2 ортик	60
Y	19	0,1 дан ортик	26
Z	72	0,1 гача	14
	100		100

Бир катор етакчи автотрактор компаниялари яъни, “Форд”, “Фиат”, “Фольксваген”, “Интернешнл харвестор” корпорацияларида кулланилаётган “Speed”, “Komputair” ва хоказо эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш тизимларини урганиб чиққан ҳолда, ҳамда Ўзбекистон Республикасида автомобиллардан фойдаланиш шароитидан келиб чиқиб, қуйидаги эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш тизимини таклиф этамиз (8-расм).



- Эҳтиёт қисмлар ҳаракати йуналиши



- Умумлаштирилган ЭХМ тизими

8-расм. Автосервисларни эҳтиёт қисмлар билан таъминлашни бошқариш тизими.

Бу тизимда эҳтиёт қисмлар билан таъминлашнинг узига хос хусусиятлари келтирилган. Яъни автомобилларга хизмат курсатувчи диллерлик пункти омборхонасида А ва В (Х ва У) гуруҳ эҳтиёт қисмларини бир ҳафталик захираси сақланади, яъни А гуруҳ эҳтиёт қисм 85-90 % ни, В гуруҳ эҳтиёт қисмлар эса 10-15% ни ташкил этади. Район омборларида эса барча А,В ва С (Х, У ва Z) гуруҳ эҳтиёт қисмни бир-бир ярим ойлик захираси сақланади ва мос равишда 60-80% , 14-26% ва 4-14 % ни ташкил қилади. Эҳтиёт қисмлар марказий омборида барча гуруҳ эҳтиёт қисмларини 3 ойлик захираси сақланади. Бу тизимда эҳтиёт қисмлар билан таъминлашнинг узлуксиз жараёнини яратиш мақсадида ва кераксиз ёки кам ишлатиладиган эҳтиёт қисмлар диллерлик пунктларида туриб қолмаслиги, яъни ортиқча жой ва маблағни ушлаб турмаслигининг олди олинган бўлади. Шунингдек, барча ташкил ташкил этувчилар ягона компютерлаштирилган тизимга уланиши кузда тутилади.

Агар эҳтиёт қисмнинг диллерлик пунктидаги меёрий захираси оз қолса, уни ЭХМ тизими орқали “Бош ҳисоблаш марказига” бу ҳақида “Ахборот юборилади” ва бу эҳтиёт қисм тезкор талабга қура 24 соатгача ёки оддий талабга қура 3 кунгача муҳлат билан диллердик пунктига етказилиб берилади.

Оддий талабга қура эҳтиёт қисм таъминоти “Эҳтиёт қисмлар марказий омбори” орқали ва баъзи бир эҳтиёт қисмлар ташиш харажатларини камайтириш учун ишлаб чиқарувчи корхона омбори орқали олиб борилади.

Республикамиз ҳудудида ишлаб чиқарилмайдиган эҳтиёт қисмлар билан таъминот факат “Эҳтиёт қисмлар марказий омбори” орқали олиб борилади ва бу омборга эҳтиёт қисмлар чет давлатлардаги корхоналардан “Бош ҳисоблаш маркази” талабига биноан келтирилади.

Бу тизимдаги “Бош хисоблаш маркази” автомобиль ишлаб чиқарувчи корхонада ташкил этилади ва эҳтиёт қисмларга бўлган барча талаблар марказда йиғилади, таҳлил қилинади. Бунинг натижасида, биринчидан, ишлаб чиқарилган автомобиллардан фойдаланиш жараёнида ишдан чиқиш сабабларининг сон ва сифат курсаткичлари ҳақида тула маълумотга эга бўлинади, ҳамда уларни эксплуатацион ишончилигини ошириш учун етарли ахборот ва омиллар йиғилади. Иккинчидан, автомобилларга сервис хизмати юқори даражада ва сифатли ташкил этиш имконияти пайдо бўлади. Бу эса, уз навбатида, УзДЭУ автомобилларига бўлган ишончни оширади.

Назорат саволлари.

Автосервис корхоналарининг эҳтиёт қисмлар ва материаллар билан таъминланиш ҳолати?

Эҳтиёт қисмлар ҳақидаги маълумотларни йиғиш усуллари?

Эҳтиёт қисмлар захиралари қандай гуруҳлар ёрдамида урганилади?

Истикболли таъминлашни схема ёрдамида тушунтиринг?

А ва Х гуруҳ деталлари ҳақида айтинг?

В ва Y гуруҳ деталларини тушунтиринг?

С ва Z гуруҳ деталлари?

Эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш муддатлари?

Истикболли тизимнинг автомобиль ишончилигини аниқлашдаги роли?.

Фойдаланиш учун адабиётлар.

1. Напольский М. Технологическое проектирование автотранспортных предприятий и станций технического обслуживания. М.: Транспорт, 1985 г.
2. Ханс Виссела. Менеджмент в подразделениях фирмы. М.: Инфра-М, 1996 г.
3. Фастовцев Г.Ф. Организация технического обслуживания и ремонта легковых автомобилей. М.: Транспорт, 1989, 239 с.

4. Крамаренко Г.В, Бараликов И.В. Технологическое обслуживания автомобилей М. Транспорт, 1982 - 368 с.
5. Хлявич А.И. Обслуживание автомобилей населения. М.:Транспорт,1990 - 238с.
6. Афанасьев.Л.А и др. Гаражи и станции технического обслуживания автомобилей. М.: Транспорт 1982-238с.
7. Кузнецов Е.С., Курников И.П, Производственная база автомобильного транспорта. М., Транспорт. 1988г.
8. Развитие автосервиса М.1990 (ежегодная обзорная информация)
9. Руководство по организации работ на СТО УзДЕУ - авто КО.Андижан, УзДЕУавто 1999 - 128с.
- 10.Крамаренко Г.В ва бошкалар. автомобиллар техник эксплуатацияси Тошкент, Укитувчи, 1994-220б
- 11.Узбекистон Республикаси автомобиль транспорти харакат таркибига техник хизмат курсатиш ва таъмирлаш тугрисида Низом. Тошкент, 1999-196б.
- 12.www.automobilemag.com
- 13.www.auto.com
- 14.www.motortrend.com
- 15.www.autobild.de
- 16.www.automechanic.ru
- 17.www.autonews.ru
- 18.www.motor.ru
- 19.www.zr.ru

13. Мавзу: Эҳтиёт қисмларга булган эҳтиёж ҳажмини аниқлаш.

Режа:

- 1. Эҳтиёж ҳажмини аниқлаш ва бошқариш.**
- 2. Эҳтиёт қисмлар ва ашёлардан рационал фойдаланиш.**

Эхтиёт кисмлар билан таъминлаш тизимининг сифатли ва самарали ишлаши бир катор курсаткичлар оркали аникланади, яъни: етишмаётган эхтиёт кисмлар хажми:

- * биринчи мартадаёк кондирилган талабномалар сони;
- * режа асосидаги ва режадан ташкари талабномаларни бажариш вакти;
- * битта автомобилга тугри келган эхтиёт кисмлар захирасининг нисбий хажми;
- * ишлатилмай туриб колган эхтиёт кисмлар микдори билан.

Эхтиёт кисмларнинг етишмаслиги натижасида автомобилларнинг туриб колиш холлари ортади. Хозирги шароитда бундай холлар натижасида эхтиёт кисмни йуклиги туфайли носоз автомобиллардан фойдаланиш холлари булиб туради.

Эхтиёт кисмлар етишмаслиги сабабли ишчиларнинг меҳнатидан самарали фойдаланилмайди. Туриб колган эхтиёт кисмларнинг булиши эса ортикча тайёрлов ва транспорт харажатларини оширади. Ортикча маблагнинг харажати ва айланмай туриб колишига олиб келади.

Аҳолининг эхтиёт кисмларга ва ашёларга булган эхтиёжини кондиритиш учун мунтазам ва мақсадга йуналтирилган ишлар олиб борилади, яъни аҳолининг эхтиёт кисмларга булган талаби ва эхтиёжи урганилади. Бунинг учун омборхоналардаги, база ва дуконлардаги колган эхтиёт кисмларнинг хисоб-китоби олиб борилади.

Эхтиёт кисмлар ва ашёлар билан самарали таъминлаш ишларига куйидаги омиллар таъсир курсатади.

Ишлаб чиқарувчи завод оркали куп ишлатиладиган деталлар захираси хажмини ишлаб чиқариш:

- * эхтиёт кисмлар ишлатилишининг эхтимолийлиги;
- * автомобиль ишлаб чиқарувчи заводлар марказий омборхоналаридан фойдаланиш;

* таксимловчи республика марказий омборхоналарини ташкил этиш ва луар ёрдамида республиканинг турли вилоятларига эҳтиёт қисмларни барча автомобиль моделлари учун тарқатиш.

Исталган вақтда зарур бўлган эҳтиёт қисмлар ҳажмини таъминлаш учун ҳисоб-китоб ишларини автоматлаштириш ва ЭХМ ёрдамида олиб бориш зарур. Деталлар сарфининг меъёрини куп омиллар ҳисобга олади.

- * автомобиллар паркининг техник ҳолати ва унинг ортиб бориши;
- * автомобиль конструкциясининг ёки ишлаб чиқариш технологиясининг узгариши;
- * эҳтиёт қисмлар билан савдо қилувчи тармоқларнинг имкониятлари;
- * истеъмолчининг моддий ҳолати;
- * эҳтиёт қисмларга бўлган эҳтиёж ҳажмини аниқлаш учун куп ишлатиладиган деталларга таъсир қурсатувчи барча омилларни автоматик равишда ҳисобга олиб, маълум ҳақиқий ишлатилган эҳтиёт қисмлар ҳисоблаш комплекси баъзи бир эксплуатацион факторларнинг таъсирини ҳисобга олган ҳолда эҳтиёт қисмлар захираси ҳажмини маълум даврга катта аниқлик билан ҳисоблаб беради.

Эҳтиёт қисмлар билан бошқариш масалаларини автоматик бошқарув тизими куллаш орқали самарали йулга қуйиш мумкин. Бундай тизимлар бир қатор етакчи автомобиль концернларида йулга қуйилган. Улар ёрдамида янги эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарувчи корхоналар барпо этиш, ейилган деталларни қайта т= Аниқлаш каби ишларни амалга ошириш мумкин.

Автосервис хизмати қурсатувчи АТХКС лар учун эҳтиёт қисмларга бўлган эҳтиёж ҳажмини ҳисоблаш йули билан ҳам аниқлаш мумкин. Бунинг учун АТХКС да техник хизмат қурсатиш учун режалаштирилган автомобиллар юки ва режалаштирилган ҳар бир эҳтиёт қисмлар нисбий эҳтиёжлари сонининг қупайтмаси қабул қилинади, яъни

$$Q_{3.ч} = A_n * q_{п.3.ч}$$

Эҳтиёт қисмларга бўлган нисбий эҳтиёжлар сони қуйидагича топилади.

$$q_{п.з.ч} = Q_{р.п} / A_{р.п}$$

$Q_{з.ч}$ -ишлатилаётган эхтиёт кисмлар сони

$A_{р.п}$ -ишчи постларда ТХК автомобиллар сони.

Эхтиёт кисмларга булган норматив ва амалдаги хакикий нисбий эхтиёжлар сони мавжуд.

Меёрий нисбий эхтиёж деганда 100 автомобиль учун A_n эхтиёт кисмлар руйхати давтаридан кабул килиб олинган эхтиёт кисмлар сони $Q_{н.з.ч}$ тушунилади, яъни

$$q_{н.з.ч} = Q_{н.з.ч} / A_n$$

Амалдаги нисбий эхтиёж деганда амалда талабнома асосида ишлатилган эхтиёт кисмлар сонини, амалда ТХК автомобиллар сонига нисбати тушунилади, яъни

$$q_{ф.з.ч} = Q_{ф.з.ч} / A_{ф}$$

АТХКС да ишлатилган коэффиценти амалдаги нисбий эхтиёжнинг меёрий эхтиёжга булган нисбати оркали аникланади, яъни

$$\eta = q_{ф.з.ч} / q_{н.з.ч}$$

η - эхтиёт кимларинг ишлатилишнинг чегараларини аниклаш учун хизмат килади.

Назорат саволлари.

Ахолининг эхтиёт кисмларга булган эхтиёжини аниклаш кандай бажарилади?

Эхтиёт кисмларга булган эхтиёжни белгиловчи асосий омиллар?

Эхтиёт кисм ва ашёлардан рационал фойдаланиш?

Эхтиёт кисмларни регионал таксимлаш?

Меёрий нисбий эхтиёж?

Амалдаги нисбий эҳтиёж?

АТХКС да эҳтиёт қисмларга булган талабни ҳисоблаш?

ЭХМ ёрдамида эҳтиёт қисмларга булган талабни аниқлаш?

Фойдаланиш учун адабиётлар.

1. Напольский М. Технологическое проектирование автотранспортных предприятий и станций технического обслуживания. М.: Транспорт, 1985 г.
2. Ханс Виссела. Менеджмент в подразделениях фирмы. М.: Инфра-М, 1996 г.
3. Фастовцев Г.Ф. Организация технического обслуживания и ремонта легковых автомобилей. М.: Транспорт, 1989, 239 с.
4. Крамаренко Г.В, Бараликов И.В. Технологическое обслуживания автомобилей М. Транспорт, 1982 - 368 с.
5. Хлявич А.И. Обслуживание автомобилей населения. М.:Транспорт,1990 - 238с.
6. Афанасьев.Л.А и др. Гаражи и станции технического обслуживания автомобилей. М.: Транспорт 1982-238с.
7. Кузнецов Е.С., Курников И.П, Производственная база автомобильного транспорта. М., Транспорт. 1988г.
8. Развитие автосервиса М.1990 (ежегодная обзорная информация)
9. Руководство по организации работ на СТО УзДЕУ - авто КО.Андижан, УзДЕУавто 1999 - 128с.
10. Крамаренко Г.В ва бошқалар. автомобиллар техник эксплуатацияси Тошкент, Укитувчи, 1994-220б
- 11.Узбекистон Республикаси автомобиль транспорти ҳаракат таркибиға техник хизмат қурсатиш ва таъмирлаш тугрисида Низом. Тошкент, 1999-196б.
- 12.www.automobilemag.com
- 13.www.auto.com
- 14.www.motortrend.com

15. www.autobild.de
16. www.automechanic.ru
17. www.autonews.ru
18. www.motor.ru
19. www.zr.ru

14. Мавзу: Автосервисларда ишлаб чиқаришни бошқариш асослари.

Режа:

- 1. Ишлаб чиқаришни бошқариш хақида тушунча.**
- 2. Ишлаб чиқаришни бошқариш учун зарур бўлган ҳужжатлар.**
- 3. Ишлаб чиқаришни таксимот қонуни.**
- 4. Ишлаб чиқаришни режалаштириш.**
- 5. Иш сифатини назорат қилиш.**

Ишлаб чиқаришни бошқариш деганда хом ашё ва ресурслардан самарали, тежаб фойдаланган ҳолда аҳоли автомобилларининг ТХ ва ремонтда турган вақтини камайтириш билан бир қаторда бажарилган иш сифатини ошириш ва асосан миқознинг буюртмасида тула қониқиш пайдо қилиш тушинилади.

Ишлаб чиқаришни бошқаришда асосан 2 хил таркибий омиллар иштирок этади-ҳужжатлар ва бошқарувчи шахслар.

Бошқариш учун зарур бўлган ҳужжатлар ҳам 2 қуришинда бўлади:

Бирламчи ҳужжатлар ҳужалик операциялари бажарилганда тулдирилади, масалан, миқоз автомобиллини АТХКС га топширганда, эҳтиёт қисмлар олинган ва бошқа шу қаби ҳолларда;

Йиғилган ҳужжатлар, яъни ҳисоботлар, бунда бир неча бирламчи ҳужжатлар йиғилиб, маълум йуналишдаги ҳисоботлар тайёрланади.

Ишлаб чиқаришни бошқаришда қуйидаги асосий ҳужжатлар ишлатилади.

АТХКСда миқоз томонидан буюртма қабул қилиш учун ТХ ва ремонт ишларини қабул қилиш буюртмаси асос бўлади. Бу ҳужжат миқозлар билан ишловчи инженер-технологда ва ишлаб чиқаришни тайёрловчи мастерда бўлади. У қабул қилувчи ходим ва миқоз томонидан 3 нусхада тулдирилади. Уларнинг бир нусхаси буюртма наряд билан бирга ҳисоблаш бўлимига топширилади.

Автомобилларни олдиндан ТХ ва ремонт ишлари бажариш учун рўйхатга олиш журнали қабул қилувчи мастерда туради ва бир нусхада тулдирилади.

Автомобиль кузовини ремонт қилиш ва бўяш учун олдиндан рўйхатга олиш журнали ишлаб чиқаришни тайёрлаш мастерида туради ва бир нусхада тулдирилади.

Эҳтиёт қисмларни автомобилга урнатиш учун рўйхатга олиш журнали қабул қилиш мастерида туради ва ҳар қайси дефицит эҳтиёт қисмлар учун алоҳида тулдирилади.

Буюртма - наряд каттик назорат остидаги бланка бўлиб, операторда ёки қабул қилиш мастерида туради, машинкада 4 нусхада ёзилади.

Буюртма қвитанция буюртма - наряд асосида тулдирилиб қабул қилиш мастерида ҳисоботда туради. Бу ҳужжат 3 нусхада тулдирилади, унинг бир нусхаси кассада қолади, иккинчиси ишлаб чиқаришга берилади ва 3 нусхаси миқозда қолади.

Буюртмаларни ҳисобга олиш журнали - ТХ ва ремонтга қабул қилинган автомобилларни рўйхатга олиш учун юргизилади, унда буюртма - нарядларни рўйхатга олинади.

Бу журнал 1 нусхада тулдирилиб, бетлари рақамланган АТХКС раҳбари томонидан қул қуйиб, муҳрланган бўлиши керак.

Қабул қилиш эгасига қайтариш далолатномаси қабул қилиш мастери ва ишлаб чиқаришни тайёрлаш мастерида бўлади. 1 нусхада тулдирилиб 1 нусхаси буюртма - нарядга қушилади. 2 нусхаси эса буюртма ичида бўлади.

Оператив хисобот АТХКС диспетчери томонидан тулдирилади. Буни тулдириш учун участка мастерлирининг хисобот-буюртмаси, асос булади. АТХКС да ишлаб чиқаришни бошқариш ҳужжатларининг айланиш схемаси расмда берилган.

Йирик АТХКСларда ишлаб чиқариш ҳужжатларини қайта ишлаш учун 10 га яқин бўлимлари иштирок этади, маълумотлар тарқатиш каналларининг сони 50 тага бориши мумкин.

АТХКСда эса асосий бошқарувчи раҳбар-директор ёки бошлик ҳисобланади. АТХКС раҳбарининг барча фаолияти асосан ички йуналишга қаратилган, яъни ҳужалик ишлаб чиқиш ишларининг самарасини самараси кутариш ва жамоани тарбиялаш. АТХКСда ишлаб чиқишни бошқаришда асосан қуйидаги лавозим шахслари иштирок этадилар - директор, диспетчер, қабул мастери, ишлаб чиқариш мастери. Уларнинг кундалик иши ишлаб чиқариш постларини иш билан таъминлаш масаласини ҳал этишдан иборат. Бу ишларни шундай режалаштириш керак-ки, натижада автомобиллар ремонтини сифатли, нисбатан тез бўлсин, миқдорнинг буюртмаси қондирилсин.

Ишлаб чиқаришни бошқариш элементларининг муҳим элементлардан бири ишлаб чиқариш тақсимоти (диспетчер) хизматини жараёнга киритишдир. Тақсимот хизматининг вазифаси АТХКСга қабул қилинган автомобилни то эгасига қайтарилгунга қадар бўладиган ишларни зарур постларга оператив ҳолда тарқатиб беришдир. АТХКС участкасидаги ишларни мастер ёки ишлаб чиқариш мастери ташкил этади. Ишлаб чиқариш диспетчери қуйидаги ишларни амалга оширади: ремонт фондларининг ҳисобини олиб бориш, уларнинг ҳаражат миқдори ҳақида маълумот тайёрлаш ва бериш; эҳтиёт қисм ва материаллар олиш учун буюртма тайёрлаш; ТХ ва ремонт ишларининг бажарилиш муддатларини назорат қилиш; агар муддатига иш бажариш кечикса, уни қисқартириш йулларини топиш; ремонт зоналарини бутун ой давомида иш билан таъминлашни режалаштириш;автомобилларни олдиндан

зарур эҳтиёт қисмлар билан комплектлайди ва уларнинг ишлаб чиқариш зоналаридаги ҳаракат йўналишини назорат қилади.

Ишлаб чиқариш таксимот (диспетчер) хизмати ишчи постлар ва ишчиларнинг иш билан таъминланганлик даражаси, автомобилнинг ишлаб чиқариш зонасидаги турган жойини, исталган пайтдаги бажарилаётган иш тури, автомобилнинг бир постдан иккинчисига утказиш. Муддатларини, автомобилнинг тайёр бўлиш даражаси ва ремонт ишларининг тугатилиши муддатларини аниқ билиб олиш имконини беради.

Ишлаб чиқариш таксимот хизмати қуйидагиларни таъминлайди: ишлаб чиқариш зоналарига берилган вазифанинг амалий бажарилиши ҳолати ҳақида узлуксиз ҳисобот олиб бориш ва маълумот бериш;

- * ритмик иш ташкил этиш учун бир-бирлари билан узаро боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш звенолари ишларини коэффицентлаш;
- * берилган буюртмани уз вақтида сифатли қилиб бажариш учун зарур бўлган барча омилларни тайёрлашни оператив ҳолда ташкил этиш;
- * ишлаб чиқариш жараёнига ҳалакит берувчи барча сабабларнинг олдини олиш, агар пайдо бўлса уларни бартараф этиш.

Ишлаб чиқаришни бошқариш самарасини ортиши учун унинг негизида эгилувчан, бозор иқтисодиётидан қелиб қиккан режалаштириш тизими ётиши зарур. Ишлаб чиқаришни режалаштиришнинг асосий вазифаси қуйидагилардан иборат: АТХКСда мавжуд бўлган барча жихоз, ишлаб чиқариш воситаларининг қувватидан тула фойдаланиш, сменали ишларни қупайтириш, мижоз буюртмасини тула қондириш мақсадида ТХ ва ремонт ишлари таннаrxини қамайтириш.

Автосервис қорхоналари фаолиятини баҳоловчи асосий қурсатқичлардан бири АТХКСда автомобилларга қурсатилган ТХ ва ремонт ишлари ҳажмидир. Қурсатилган бундай хизмат ҳажми бажариш ишлари баҳоси сифатида баҳоланади. Бажарилган ТХ ва ремонт маиший ишлари ҳажми деганда АТХКСда бажарилган барча ишларнинг баҳоси тушунилади. Аҳоли енгил

автомобилларга бажарилган ТХ ва ремонт маиший ишлари мижоз буюртмаси асосида режалаштирилиб уларнинг нархи урнатилган тартибда тасдиқланган прејскурантлар ёрдамида аниқланади. Бу ҳолда бажарилган ТХ ва ремонт ишларининг нархи ишлатилган эҳтиёт қисм ва материаллар нархи билан қушиб аниқланади.

Режалаштиришда урнатилган меъёрий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқариш рационал ташкил этиш учун зарур бўлган меҳнат, материал ва моддий ресурслар миқдори урнатилади. АТХКС фаолияти режалаштирилганда ташки эксплуатацион шароит билан ички ишлаб чиқариш омиллари ҳисобга олинади. Ташки эксплуатацион омиллар ҳисобга олинган табиий иқлим шароитлар, йул ҳоли, мавсум, автомобилларнинг ёши ва бошқа шу қаби курсаткичлар назарда тутилса, ички омилларда АТХКС ишлаб чиқариш технологияси, маълумотларни қайта ишлаш имкониятлари, меҳнат ресурслари, материаллар ҳажми ва шу қаби бошқа курсаткичлар ҳисобга олинади.

Режалаштиришнинг қуп усуллари ичидан АТХКСларда қупрок қулланиладиган режалаштириш баланс келтириш ва техник-иктисодий ҳисоб-китоб усулидир. Режалаштиришнинг баланс усулида ТХ ва ремонт ишлари ҳажмини бажариш учун зарур бўлган эҳтиёж билан шу ишлар учун ажратилган эҳтиёт қисм, материаллар ва бошқа захиралар такқосланади.

Ишлаб чиқаришни режалаштиришда эҳтиёт қисм, хом-ашё, меҳнат ва моддий захиралардан унумли ва рационал фойдаланиш ҳам қузда тутилади. Бажарилган ишларнинг прејскурантлар ёрдамидаги ҳисоб-китоблари АТХКС олган даромадни аниқлашга имқон беради. Режалаштириш асосида қуйидаги самараларга эришиш мумқин:

- * АТХКСларни хизмат доирасини кенгайтириш, уларни замонавий машина, уларнинг техник жихоз, меҳанизм ва асбоб-усқуналар билан рационал таъминлаш;

- * асосий ишлаб чиқариш фондлари, ишлаб чиқариш қуввати, меҳанизмлар, жихоз ва транспорт воситаларидан тула фойдаланиш;

- * бажарилаётган ишларнинг сифатини кутариш ва уларнинг давлат стандарти ва техник талабларга жавоб берадиган даражага кутариш;
- * янги техника ва технологияларни жорий этиш;
- * иш сифати ва маданиятини ошириш, аҳолига янги хизмат турлари таклиф этиш ва уларнинг хажмини кенгайтириш;
- * АТХКСда оптимал иш режимларини ташкил этиш.

АТХКС ишлаб чиқаришда сифат назорати автомобилларни ТХ ва ремонт қилиш жараёнининг таркибий қисми бўлиб, автомобильни қабул қилишда уни эгасига қайтаргунга қадар олиб бориладиган назорат ишлар мажмуидир.

Хозирги пайтда АТХКСларда сифат курсаткичларини назорат қилиш ТХ ва ремонт ишлари бажариб бўлингандан сунг, автомобиль эгасига топширилишдан аввал амалга оширилади. Сифат курсаткичларининг техник назорати қуйидаги қуринишларда бўлиши мумкин: қиришдаги назорат, операцион назорат ва қабул қилиш назорати (охирги).

Қириш назорати автомобиль АТХКСга қабул қилиш пайтида утказиб унда автомобилдаги дефектларни аниқлаш, иш хажмини белгилаш ва ишларини рационал бажариш кетма-кетлигини урнатиш учун амалга оширилади. Бундай назорат қабул қилиш мастури томонидан бажарилади.

Операцион назоратнинг асосий вазифаси ТХ ва ремонт ишлари сифатини операцияларини бажариш давомида текшириш ва автомобилларда навбатдаги операцияни бошлаш мумкинлигини аниқлаб беришдир. Бу назорат иш бажариш этапларида брак бўлмаслигини олдини олади.

Қабул қилиш назорати бажарган ишларнинг сифати ва хажмини аниқлаш учун утказилади. Бу назорат ишлаб чиқариш зоналарида ва эгасига топшириш постида олиб борилади. Бу назорат участка мастери ёки бригадирлари томонидан бажарилади.

АТХКСларда утказилган асосий назорат - бу хизмат сифатини комплекс назорат қилиш тизимидир. Комплекс назорат уз ичига бир қатор тадбирлар,

усул ва воситаларни олиб, улар ёрдамида бажараётган хизмат сифатини мунтазам равишда назорат килиш йули билан таъминлашдан иборат.

Комплекс назорат тизими автосервис корхоналарида бажариладиган ишларни такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, хизмат сифатини стандартлар талаби ва автомобиль эгасининг талабларига мос келишини таъминлаш мақсадида бажарилади. Унинг асосий вазифаси куйидагилардан иборат:

- * хизмат сифати курсаткичини режалаштириш;
- * сифат курсаткичлари доимийлигини таъминлаш;
- * ишлаб чиқаришда технологик жихатдан тайёрлаш;
- * хизмат сифатини назорат килиш;
- * иш бажарувчиларнинг хизмат сифати ва меҳнатини баҳолаш;
- * сифатли бажарилган иш учун ходимларни маънавий ва моддий тақдирлаш;
- * малакали кадрлар тайёрлашни ташкил этиш;
- * назорат тизимини керакли маълумотлар билан таъминлаш.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.

1. Ишлаб чиқаришни бошқариш нима?
2. Ишлаб чиқаришни бошқаришнинг таркибий омиллари?
3. Ишлаб чиқаришни бошқариш учун зарур бўлган ҳужжатлар, уларнинг айланиш схемасини тушунтиринг.
4. Ишлаб чиқариш тақсимоат вазифаларини тушунтиринг.
5. Ишлаб чиқаришда бажарилган ишлар қандай режалаштирилади?
6. Иш сифатини назорат килиш усуллари?
7. Комплекс хизмат назорати тизими нима?
8. Кириш ва операциялар назорат
9. Автомобилларни ТХК ва ремонтга қабул килиш бўйртма-наряд ҳужжатлари?
10. АТХКС да режалаштириш.

Фойдаланиш учун адабиётлар.

1. Напольский М. Технологическое проектирование автотранспортных предприятий и станций технического обслуживания. М.: Транспорт, 1985 г.
2. Ханс Виссела. Менеджмент в подразделениях фирмы. М.: Инфра-М, 1996 г.
3. Фастовцев Г.Ф. Организация технического обслуживания и ремонта легковых автомобилей. М.: Транспорт, 1989, 239 с.
4. Крамаренко Г.В, Бараликов И.В. Технологическое обслуживания автомобилей М. Транспорт, 1982 - 368 с.
5. Хлявич А.И. Обслуживание автомобилей населения. М.:Транспорт,1990 - 238с.
6. Афанасьев.Л.А и др. Гаражи и станции технического обслуживания автомобилей. М.: Транспорт 1982-238с.
7. Кузнецов Е.С., Курников И.П, Производственная база автомобильного транспорта. М., Транспорт. 1988г.
8. Развитие автосервиса М.1990 (ежегодная обзорная информация)
9. Руководство по организации работ на СТО УзДЕУ - авто КО.Андижан, УзДЕУавто 1999 - 128с.
- 10.Крамаренко Г.В ва бошқалар. автомобиллар техник эксплуатацияси Тошкент, Укитувчи, 1994-220б
- 11.Узбекистон Республикаси автомобиль транспорти ҳаракат таркибиға техник хизмат курсатиш ва таъмирлаш тугрисида Низом. Тошкент, 1999-196б.
- 12.www.automobilemag.com
- 13.www.auto.com
- 14.www.motortrend.com
- 15.www.autobild.de
- 16.www.automechanic.ru
- 17.www.autonews.ru
- 18.www.motor.ru

15. Мавзу: Автосервис корхоналарида меҳнат хавфсизлигини таъминлаш асослари.

Режа:

Меҳнат хавфсизлиги хақида тушунча.

Меҳнат хавфсизлигини таъминлашнинг таркибий қисмлари.

Меҳнат хавфсизлигининг меъёрий ҳужжат ва қоидалари.

Автосервисларда меҳнат муҳофазасини ташкил этиш.

Автосервис корхоналари инсонларни иш жойлари ва меҳнат билан таъминлаши билан бир қаторда уларнинг саломатлигига таъсир қурсатувчи объект ҳам ҳисобланади. Шунинг учун автосервисларда хизмат қилаётган ходимларнинг саломатлиги, ишлаш қобилиятини сақлаш мақсадида уларга керакли меҳнат шароитлари яратиб бериш зарур. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Меҳнат қонунлари кодекси ва бир қатор давлат қонунларида ва қарорларида таъкидлаб қўйилган.

Автосервис корхоналарида ишлаб чиқариш участкалари, устакана постлари турли хил жиҳозлар асбоб-ускуналар билан таъминланган бўлиб, улар доимий ҳаракатда бўладилар, турли хил энергия манбааларидан қувватланадилар. Бундан ташқари ишлаб чиқариш жараёнида атроф-муҳитга турли захарли газлар, чанг, шовкин-сурон, тебранишлар тарқалиб, меҳнат қилаётган инсоннинг иш қобилиятини пасайиши ва саломатлигига салбий таъсир қурсатади. Шунинг учун инсонни ушбу омиллар таъсиридан ҳимоя қилиш зарур бўлади, яъни инсон меҳнاتини муҳофаза қилиш муҳим аҳамиятга эга бўлган давлат аҳамиятидаги вазифадир.

Меҳнат хавфсизлиги деганда инсонни ишлаб чиқариш жараёнида турли хил саломатлик ва ишлаш қобилиятига салбий таъсир этувчи омиллардан

саклаш ва уларнинг олдини олиш учун хизмат киладиган комплекс ташкилий, техник иктисодий, профилактик, санитар-гигиеник ва ёнгинни олдини олиш тадбир-чоралари мажмуидир.

Мехнат хавфсизлиги куйидаги асосий таркибий кисмларни уз ичига олади, булар:

- * Мехнат хавфсизлигини техникаси;
- * Ишлаб чикариш санитарияси;
- * Ёнгин профилактикаси;
- * Мехнат мухофазаси ҳукукий асослари.

Мехнат хавфсизлиги техникаси деганда ишлаб чикариш жараёнида инсонга таъсир этаётган хавфли омилларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш учун хизмат киладиган ташкилий ва техник иктисодий тадбирлар мажмуи тушунилади. Демак, хавфсизлик техникаси меҳнаткашга техник ва ишлаб чикариш воситаларидан хавфсиз фойдаланиш тартиб ва қоидаларини ургатади.

Ишлаб чикаришда инсон саломатлиги ва унинг ишлаш қобилиятига 2 хил омил таъсир қурсатади: хавфли ва зарарли.

Хавфли омил деганда ишлаб чикариш жараёнида инсонга таъсир қурсатиб, уни ишлаб чикариш жароҳати олишга сабаб булган омиллар тушунилади.

Зарарли омил деганда ишлаб чикариш жараёнида инсонга таъсир қурсатиб, унда турли касбий касаллик келиб чиқишига сабаб булган омиллар тушунилади.

Ишлаб чикариш санитарияси ишлаб чикариш жараёнида инсонга зарарли омиллар таъсирини олдини олиш ва бартараф этиш учун зарур булган ташкилий, техник-иктисодий чора-тадбирлардир. Ишлаб чикаришни зарарли омиллар таъсирида инсон касбий касалликка учраб қолиши мумкин.

Ишлаб чикариш санитарияси АТХКСларда меҳнаткашларга нормал иш шароити яратиш масалалари билан шугулланади. Унинг учун иш жойлари ва хоналарида етарли даражада ёритиш, иситиш, шамоллатиш, турли хил газлар,

радиация нурларидан химоя қилиш, шовкин, тебранишлар олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқади ва тадбир этиди.

Мехнат хавфсизлиги масалаларини амалга ошириш учун турли хил давлат ҳуқуқий қонун ва қоидалари урнатилган. Бу масалага Ўзбекистон Республикаси Конституциясида алоҳида урин берилган. Конституцияда Ўзбекистон Республикасида яшовчи ҳар бир фуқаро меҳнат қилиш ҳуқуқига эгаллиги ва унинг меҳнати муҳофаза қилиниши шартлиги таъкидлаб утилган.

Мехнат хавфсизлиги масалалари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат қонунлари Кодексида ҳам қатта урин олган. Унда меҳнатқаш билан ишлаб чиқариш қорхоналари уртасида бўладиган узаро ҳуқуқий меҳнат муносабатлари урнатилади.

Автосервисларда меҳнат хавфсизлиги масалаларини урнатиш учун давлат меҳнат хавфсизлиги стандартлари тизими ташкил этилган. Бу стандартларда Конституция ва Меҳнат қонунлари Кодекси асосида инсонларга хавфсиз ва нормал меҳнат шароитлари яратиш талаблари ишлаб чиқилган.

Ушбу стандартлардан ташқари меҳнат хавфсизлигини таъминловчи муҳим ҳужжатлардан бири санитар меъёр ва қоидалар белгиловчи ҳужжатлардир. Булар қурилиш ва турли жихозлардан хавфсиз фойдаланиш йул-йурик ва қоидаларини белгилайди.

Автосервисларда ТХ ва ремонт ишларини бажаришда меҳнат хавфсизлигини таъминловчи асосий ҳужжатлар-стандартлар ва улар асосида яратилган хавфсизлик инструкциялари ва қоидаларидир. Масалан, автосервисларда ТХК ва ремонт ишларини хавфсиз бажариш қоидалари ГОСТ 12.3.017-79. "ССБТ. Ремонт и техническое обслуживание автомобилей" орқали тартибга солинади.

Автосервисларнинг ҳар бир участка, пост ва зоналарида меҳнат шароити яратиш ва хавфсиз меҳнат қилиш учун инструкциялар ишлаб чиқилади. Бунда иш жойида хавфсиз ишлаш қоидалари берилган бўлиб, уларнинг бажарилишига иш бошлиғи жавобгар бўлади.

Автосервисларда меҳнат хавфсизлиги масалаларини ташкил этиш куйидаги тартибда ташкил этилади. Автосервис буйича меҳнат хавфсизлигини тугри ташкил этиш учун биринчи навбатда корхона раҳбари жавобгар ҳисобланади.

Йирик автосервис ташкилотларида раҳбарларга ёрдамчи сифатида меҳнат хавфсизлиги инженерлари қабул қилинади. Меҳнат хавфсизлиги инженерлари олий маълумотли бўлишлари шарт ва фаолият буйича бош инженер ёки раҳбарга бўйсунди.

Кичик автосервисларда (агар штатдаги ишчилар сони 250 дан паст бўлса) меҳнат хавфсизлиги инженерлари бажарадиган ишларни корхона раҳбари буйруғига асосан инженер техник ходимлардан бирига юклатилади.

Барча участка, пост ва цех бошликлари узларининг иш жойларида меҳнат хавфсизлиги тадбирларини ишлаб чиқадилар ва тадбир этадилар. Хар квартал ва йил охирида меҳнат хавфсизлиги буйича ҳисобот тайёрланади. Бу ҳисоботни меҳнат хавфсизлиги инженерлари тайёрлайди, раҳбар тасдиқлагандан сунг, юкори ташкилотга топширилади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.

Автосервисларда меҳнат хавфсизлиги деганда нимани тушунилади?

Меҳнат хавфсизлиги кандай масалаларни уз ичига олган?

Меҳнат хавфсизлиги кандай ҳужжатлар билан тартибга солинади?

Меҳнат муҳофазасининг автосервисларда ташкил этиш асослари?

Меҳнат хавфсизлиги инженерларининг вазифалари?

Ишлаб чиқариш санитарияси.

Ёнгин профилактикаси.

Меҳнат муҳофазасининг ҳукукий асослари.

Меҳнат хавфсизлиги буйича жавобгар шахслар.

Хавфли ва зарарли омил хақида маълумот.

Фойдаланиш учун адабиётлар.

1. Напольский М. Технологическое проектирование автотранспортных предприятий и станций технического обслуживания. М.: Транспорт, 1985 г.
2. Ханс Виссела. Менеджмент в подразделениях фирмы. М.: Инфра-М, 1996 г.
3. Фастовцев Г.Ф. Организация технического обслуживания и ремонта легковых автомобилей. М.: Транспорт, 1989, 239 с.
4. Крамаренко Г.В, Бараликов И.В. Технологическое обслуживания автомобилей М. Транспорт, 1982 - 368 с.
5. Хлявич А.И. Обслуживание автомобилей населения. М.:Транспорт,1990 - 238с.
6. Афанасьев.Л.А и др. Гаражи и станции технического обслуживания автомобилей. М.: Транспорт 1982-238с.
7. Кузнецов Е.С., Курников И.П, Производственная база автомобильного транспорта. М., Транспорт. 1988г.
8. Развитие автосервиса М.1990 (ежегодная обзорная информация)
9. Руководство по организации работ на СТО УзДЕУ - авто КО.Андижан, УзДЕУавто 1999 - 128с.
- 10.Крамаренко Г.В ва бошқалар. автомобиллар техник эксплуатацияси Тошкент, Укитувчи, 1994-220б
- 11.Узбекистон Республикаси автомобиль транспорти ҳаракат таркибиға техник хизмат курсатиш ва таъмирлаш тугрисида Низом. Тошкент, 1999-196б.
- 12.www.automobilemag.com
- 13.www.auto.com
- 14.www.motortrend.com
- 15.www.autobild.de
- 16.www.automechanic.ru
- 17.www.autonews.ru
- 18.www.motor.ru
- 19.www.zr.ru

